



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2023 yil « 24 » май

№ ПФ-76

**Маъмурий ислоҳотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 25 январдаги “Республика ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятини самарали йўлга қўйишга доир биринчи навбатдаги ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-14-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

**1. Қуйидагилар:**

**Рақамли технологиилар вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари 1-иловага мувофиқ;**

**Соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилишнинг асосий йўналишлари 2-иловага мувофиқ;**

**Рақамли технологиилар вазирлиги тизимидағи ташкилотларни қайта ташкил этиш ва номлаш дастури 3-иловага мувофиқ;**

**Рақамли технологиилар вазирлигининг ташкилий тузилмаси 4–46-иловаларга мувофиқ;**

**Рақамли технологиилар соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича “Йўл харитаси” 5-иловага мувофиқ тасдиқлансан.**

**2. Белгилаб қўйилсинки, аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни рақамлаштириш, шунингдек, рақамли хизматлар ва сервислардан фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш мақсадида:**

**Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – Ягона портал) рақамли хизматлар ва сервислар кўрсатиш ҳамда уларнинг натижасини олишнинг ягона нуқтаси ҳисобланади;**

Ягона портал орқали кўрсатиладиган хизматлардан фойдаланиш босқичлари “З қадам” тамойили асосида **мақбуллаштирилади**;

2023 йил 1 декабрга қадар фуқаролар рақамли хизматлардан мустақил равишда фойдаланишлари учун имконият яратиш мақсадида давлат хизматлари марказларида биринчи босқичда **14** та “Рақамли хизмат нуқта”лари ташкил этилади;

2024 йил 1 январга қадар **рақамли хизмат ва сервислар**, электрон тўловлар, медиа ресурслар имкониятини бирлаштиришни назарда тутувчи Ягона портал орқали хизматларни тақдим этишнинг янги дастурний таъминот шакли жорий этилади.

### **3. “Рақамли ҳукумат” тизими доирасида:**

**а)** Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан шакллантириладиган давлат бошқаруви ва иқтисодиётнинг реал сектори тармоқларини рақамлаштириш ҳамда ҳудудларни рақамли трансформация қилиш бўйича устувор лойиҳалар амалиётга татбиқ этилади;

**б)** қоғозсиз иш юритишига ўтиш жараёнини жадаллаштириш мақсадида “Ijro.gov.uz” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизими негизида ишлаб чиқилган “edo.ijro.uz” модули орқали электрон ҳужжат айланиш тизимига:

2023 йил 1 сентябрдан бошлаб ижро этувчи ҳокимиятнинг марказий аппаратлари;

2024 йил 1 майдан бошлаб ижро этувчи ҳокимиятнинг **ҳудудий бўлинмалари ва улар тасарруфидаги ташкилотлар тўлиқ ўтказилади**.

### **4. Белгилансинки:**

**а) 2023 йил 1 августдан бошлаб** давлат органларида рақамли технологияларни жорий этишига доир лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига **иқтисод қилинган маблағларнинг 50 фоизи** келгуси молия йилида мазкур давлат органлари фаолиятида рақамли технологияларни ривожлантиришга йўналтирилади;

устав фондида давлат улуши **50 фоиз** ва ундан ортиқ бўлган ташкилотларга ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш натижасида **иқтисод қилинган маблағлар ҳисобидан лойиҳа учун бевосита масъул ходимларни моддий рағбатлантириш механизмини** жорий этиш тавсия этилади;

**6)** 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ахборот тизимларида “Рақамли ҳукумат” тизимининг ягона идентификаторлари ҳамда маълумотномалар ва таснифлагичлар регистри ахборот тизимида жойлаштирилган ягона **умумдавлат маълумотномалар ва таснифлагичлардан** фойдаланишлари шарт.

**5. 2024 йил 1 январдан** бошлаб Рақамли технологиялар вазирлигининг қўйидаги **функциялари хусусий секторга ўтказилсин:**

алоқа соҳасидаги бинолар, иншоотлар ва бошқа обьектлар қурилиши учун **лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш**;

алоқа соҳасидаги маҳаллий, шаҳарлараро ва ҳалқаро тармоқларни **лойиҳалаштириш**.

**6. Белгилаб қўйилсинки, 2023 йил 1 августдан** бошлаб:

ахборот-коммүникация технологиялари соҳасидаги **ҳалқаро сертификатга эга** бўлган давлат органлари ва бошқа бюджет ташкилотларининг ахборот технологиялари ва коммүникацияларини ривожлантириш учун масъул ходимларига ўрнатилган устамаларга қўшимча равишда ташкилотларнинг бюджетдан ташқари ва иш ҳақи фонди доирасидаги бюджет маблағлари ҳисобидан лавозим маошига нисбатан **20 фоиз миқдорда** устама тўланади. Бунда, **ҳалқаро сертификат** рўйхати Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан шакллантирилади ва унинг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

Рақамли технологиялар вазирлигининг ахборот технологиялари ҳамда рақамли хизматлар жорий этилиши ҳолатини баҳолаш рейтинги билан қамраб олинмаган давлат органлари раҳбарларининг рақамлаштириш **бўйича ўринбосарларига** ушбу идораларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан ҳар ойда меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг **30 фоизи миқдорида устама** ҳақ тўланади.

**7. Шундай тартиб ўрнатилсинки,** унга мувофиқ 2024 йил 1 январдан бошлаб **Ахборотлаштириш ва телекоммүникациялар соҳасида назорат инспекцияси** томонидан **ҳар ярим йилда** инсон омилисиз шаклланадиган аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг **Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги рақамли хизматлар ва сервислардан қониқиш даражаси** рейтинги эълон қилиб борилади.

**8. Рақамли технологиялар** вазирлиги ва кенг жамоатчиликнинг 7 май санасини **Ўзбекистон Республикаси ахборот-коммүникация технологиялари соҳаси ходимлари куни** деб эълон қилиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

**9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг** айrim ҳужжатларига 6-иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 7-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

11. Рақамли технологиялар вазирлиги уч ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

12. Мазкур Фармоннинг **ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар** этиб рақамли технологиялар вазири Ш.Х. Шерматов белгилансин.

Фармон ижросини муҳокама қилиб бориш, масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 24 майдаги ПФ-76-сон Фармонига  
1-илова

## Рақамли технологиялар вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари

Қўйидагилар Рақамли технологиялар вазирлиги фаолиятининг устувор йўналишлари ҳисобланади:

- а) норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар** ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларнинг ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини ташкил этиш;
- б) рақамли технологияларни жорий этиш, телекоммуникация ва поча алоқаси соҳалари, рақамли иқтисодиёт ва рақамли ҳукумат дастурларини амалга ошириш, космик ва сунъий интеллект технологияларини жорий этиш, “давлат–фуқаро” ва “давлат–тадбиркор” тамойили асосида хизмат ва сервисларни рақамлаштириш соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ривожлантириш ва устувор йўналишларини белгилаш;**
- в) республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият ҳамда хўжалик бошқаруви органларида ахборот тизимлари ва ресурсларини жорий этиш жараёнларини мувофиқлаштириш;**
- г) рақамли индустрияни ривожлантириш, мазкур соҳада технопарклар фаолиятини қўллаб-қувватлаш орқали маҳаллий ва хорижий компаниялар учун қулай шароитлар яратиш;**
- д) телекоммуникация ва поча алоқаси инфратузилмасини бошқариш ва уларнинг самарали ишлшини таъминлаш ҳамда телекоммуникация соҳасида хизмат кўрсатиш фаолиятини мувофиқлаштириш;**
- е) телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш, ахборот технологиялари, телекоммуникация ва поча алоқаси хизматлари сифати ва ахборот хавфсизлиги соҳасида давлат назоратини амалга ошириш ҳамда ишончли учинчи тараф хизматини кўрсатиш;**
- ж) радиочастота спектридан фойдаланиш ҳамда мобил қурилмаларни рўйхатга олишни тартибга солиш, ахборот хавфсизлиги йўналишини ривожлантириш;**
- з) рақамли технологиялар соҳасида таълимни ривожлантириш, жумладан кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш;**

**и) ёшлар, аёллар ва аҳолининг бошқа қатламларининг рақамли билим ва кўникумларини ошириш, мазкур соҳада илмий тадқиқотлар олиб бориш;**

**к) соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамлаштиришда устувор йўналишларни ишлаб чиқиш, соҳалар кесимида рақамлаштириш бўйича ўсиш нуқталарини аниқлаш ва амалга ошириш лозим бўлган лойиҳаларни шакллантириш.**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 24 майдаги ПФ-76-сон Фармонига  
2-илова

## Соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилишнинг асосий йўналишлари

Қўйидагилар соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилишнинг асосий йўналишлари ҳисобланади:

- а)** аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ўртасидаги муносабатларни **рақамлаштириш**, шунингдек, **рақамли хизматлар** ва **сервислардан** фойдаланиш учун қулай шароитлар яратиш;
- б)** давлат идоралари фаолиятини тўлиқ рақамлаштиришни кўзда тутувчи **“Электрон ҳукумат”** тизимининг янги босқичи – **“Рақамли ҳукумат”** тизимига ўтиш;
- в)** ахборот тизимлари ва ресурслари асосида ҳудудларда замонавий бошқарув услубларини жорий этишни назарда тутувчи **“Рақамли ҳудуд” дастурини** амалга ошириш;
- г)** ИТ-индустрия учун қулай шароит яратиш орқали **мамлакатимизни “ИТ Хаб”га айлантириш** ва **хизматлар экспортини ошириш**;
- д)** рақамли технологиялар бўйича **аҳолининг** билим ва кўнижмаларини ошириш ҳамда **кадрлар тайёрлаш** тизимини такомиллаштириш;
- е)** замонавий ва сифатли **рақамли инфратузилмани** ривожлантириш;
- ж)** Ахборот технологияларини жорий этиш ва кўрсатилаётган **электрон хизматлар** сифати устидан самарали **рақамли назоратни** йўлга қўйиш.


**Рақамли технологиялар вазирлиги тизимидағи ташкилотларни қайта ташкил этиш ва номлаш  
ДАСТУРИ**

T/р	Ташкилотнинг амалдаги тўлиқ (расмий) номи	Қайта ташкил этилаётган ва номланаётган ташкилотнинг тўлиқ (расмий) номи	Қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг фаолиятига оид қоидалар ва изоҳлар
1.	Рақамли технологиилар вазирлиги хўзуридаги Ахборот-коммунікация технологияларини ривожлантириш жамғармаси	Номи Рақамли технологиилар вазирлиги хўзуридаги Рақамли технологииларни ривожлантириш жамғармаси этиб ўзгартирилмоқда.	Рақамли технологииларни ривожлантириш жамғармаси маблағларидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини таъминлаш мақсадида бошқарув аппаратининг амалдаги мақоми сақлаб қолинган ҳолда унинг маблағларини шакллантириш манбалари, жамғарма маблағларидан фойдаланиш йўналишлари норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан қайта кўриб чиқлади.
2.	“Электрон ҳўкумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси	Номи “Рақамли ҳўкумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси этиб ўзгартирилмоқда.	–
3.	“Алоқалойиҳа” давлат унитар корхонаси	Рақамлаштириш вазирлиги муассислигидаги “Алоқалойиҳа” масъулияти чекланган жамияти етиб қайта ташкил этилмоқда.	Негизида Рақамлаштириш вазирлиги муассислигидаги “Алоқалойиҳа” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, устав фондидаги 49 фоиз давлат улуши хусусийлаштирилади.
4.	“Хабар” газетаси таҳририяти” давлат унитар корхонаси	Рақамлаштириш вазирлиги муассислигидаги “Хабар” газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган жамияти этиб қайта ташкил етилмоқда.	Негизида “Хабар” газетаси таҳририяти” масъулияти чекланган жамияти ташкил етилиб, устав фондидаги 49 фоиз давлат улуси хусусийлаштирилади.
5.	“UNICON.UZ” фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази” давлат унитар корхонаси	Рақамлаштириш вазирлиги муассислигидаги “UNICON.UZ” фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази” масъулияти чекланган жамияти этиб қайта ташкил этилмоқда.	Негизида Рақамлаштириш вазирлиги муассислигидаги “UNICON.UZ” фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилади.

T/p	Ташкилотнинг амалдаги тўлиқ (расмий) номи	Қайта ташкил этилаётган ва номланаётган ташкилотнинг тўлиқ (расмий) номи	Қайта ташкил этилаётган ташкилотнинг фаолиятига оид қоидалар ва изоҳлар
6.	“Ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази” давлат унитар корхонаси	Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси муассислигидаги “Ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази” масъулияти чекланган жамияти этиб қайта ташкил этилмоқда.	Негизида Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси муассислигидаги “Ахборот технологиялари ва ахборот ресурсларини ривожлантириш маркази” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилади.
7.	“Космик мониторинг ва геоахборот технологиялари маркази” давлат унитар корхонаси.	Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги муассислигидаги “Космик мониторинг ва геоахборот технологиялари маркази” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, устав фондидағи 15 фоиз давлат улуши хусусийлаштирилади.	Негизида “Космик мониторинг ва геоахборот технологиялари маркази” масъулияти чекланган жамияти ташкил этилиб, устав фондидағи 15 фоиз давлат улуши хусусийлаштирилади.

## Рақамли технологиялар вазирлигининг ташкилий тузилмаси

### Рақамли технологиялар вазирлиги




Изоҳ: \*давлат акция пакети (улуси) бўйича акциядор (иштирокчи) функцияси Стратегик ислоҳотлар агентлиги томонидан амалга оширилади.

**Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлигининг  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**

Космик тадқиқотлар  
ва технологиялар агентлиги

“Космик мониторинг ва геоахборот  
технологиялари маркази” масъулияти  
чекланган жамияти

**Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида  
назорат инспекциясининг  
ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ**



**Рақамлаштириш соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича**  
**“ЙЎЛ ХАРИТАСИ”**

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш муддати	Масъул ижрочилар	Молиялаштириш манбаси	Бажарилган ишларнинг пировард натижаси
<b>I. Сифатли телекоммуникация хизматини тақдим этиш</b>					
1.	<b>Мобил интернет фойдаланувчилари сонини ошириш.</b> Бунда: 1) мобил интернет билан қамраб олинмаган аҳоли масканлари рўйхатини янги ташкил этилаётган аҳоли масканларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш; 2) хизмат кўрсатувчи мобил алоқа операторлари билан интернет қамровини кенгайтириш режасини тасдиқлаш; 3) мобил интернет қамровини кенгайтириш бўйича лойиҳалар амалга оширилишини мувофиқлаштириш; 4) мобил алоқа операторлари томонидан кўрсатилаётган хизматлар тўғрисида маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиб бориш.	2023 йил сентябрь 2023 йил октябрь 2023 йил давомида	Рақамли технологиилар вазирлиги, мобил алоқа операторлари	Ижрочилар маблағлари	Мобил фойдаланувчилари сони <b>31 миллион 500 минг нафарга</b> етказилади. Шунингдек, мобил алоқа қамрови ҳамда сифати оширилиши ҳисобига аҳолининг мобил интернет ва иловалар орқали интерактив давлат хизматлари ва бошқа онлайн хизматлардан фойдаланиш имконияти кенгайтирилади.
2.	<b>Кенг полосали симли интернетга уланиш имконияти яратилган хонадонлар қамровини ошириш.</b> Бунда: 1) симли интернет билан қамраб олинмаган аҳоли масканлари рўйхатини янги ташкил этилаётган аҳоли масканларини инобатга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш; 2) хизмат кўрсатувчи оператор ва провайдерлар билан симли интернет қамровини кенгайтириш режасини тасдиқлаш; 3) симли интернет қамровини кенгайтириш бўйича лойиҳалар амалга оширилишини мувофиқлаштириш; 4) оператор ва провайдерлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар тўғрисида маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиб бориш.	2023 йил сентябрь 2023 йил октябрь 2023 йил давомида	Рақамли технологиилар вазирлиги, операторлар ва провайдерлар	Ижрочилар маблағлари	Кенг полосали симли интернетга уланиш имконияти яратилган хонадонлар қамрови <b>75 фоизга</b> етказилади. Бунда, хонадонлар, тадбиркорлик субъектлари ва юридик шахсларнинг Интернет орқали интерактив давлат хизматлари ва бошқа онлайн хизматлардан фойдаланишлари, бизнес жараёнларни ва маълумотлар алмашишни автоматлаштириш учун шароит яратилади.

3.	<p>Интернет тармоғига кенг полосали уланишни ташкил этиш мақсадида кенг полосали портларнинг умумий сонини ошириш. Бунда:</p> <p>1) хизмат кўрсатувчи оператор ва провайдерлар билан кенг полосали уланишни ташкил этиш мақсадида портларни ўрнатиш режасини тасдиқлаш;</p> <p>2) кенг полосали уланишни ташкил этиш мақсадида ўрнатиладиган умумий сиғими <b>700 минг портли қўрилма ва ўскуналарни монтаж қилиш.</b></p>	2023 йил сентябрь 2023 йил давомида	Рақамли технологиялар вазирлиги, операторлар ва провайдерлар	Ижрочилар маблағлари	Интернет тармоғига кенг полосали уланишни ташкил этиш мақсадида кенг полосали портлар умумий сони <b>5 миллион 300 мингтага</b> етказилади.
4.	<p>Телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида қўйидагиларни назарда тутган ҳолда оптик толали алоқа линияларини ташкил этиш:</p> <p>1) аҳолига кенг полосали тармоқ хизматларини кўрсатиш учун оператор ва провайдерлар томонидан қўшимча оптик толали алоқа линияларини қуриш режасини тасдиқлаш;</p> <p>2) аҳоли масканларида оптик толали алоқа линиялари қамровини кенгайтириш мақсадида оператор ва провайдерлар томонидан қўшимча <b>50 минг километр оптик толали алоқа линияларини қуриш;</b></p> <p>3) замонавий юқори тезликда ишловчи қўрилмаларни ўрнатиб, ишга туширган ҳолда алоқа қамровини <b>88 фоизга</b> етказиш.</p>	2023 йил сентябрь 2023 йил давомида 2023 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, операторлар ва провайдерлар	Ижрочилар маблағлари	Телекоммуникация инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида оптик толали алоқа линияларининг умумий ўзунлиги <b>220 минг километрга</b> етказилиши орқали телекоммуникация тармоқлари қамрови оширилади.
5.	<p>Халқаро пакетли коммутация марказининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш. Бунда:</p> <p>1) Халқаро пакетли коммутация марказининг ўтказувчанлик қобилиятини кенгайтириш юзасидан амалга оширилаётган лойиҳа доирасида қўрилмаларни жойларга етказиб бериш, ўрнатиш ишлари бўйича тармоқ графигини тасдиқлаш;</p> <p>2) Халқаро пакетли коммутация марказининг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш.</p>	2023 йил октябрь 2023 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, "Ўзбектелеком" АК	Ижрочилар маблағлари	Халқаро пакетли коммутация марказининг ўтказувчанлик қобилиятини <b>3,6 Тбит/секундга</b> етказиш орқали <b>оператор ва провайдерларнинг халқаро каналлари</b> кенгайтирилади.
6.	<p>Мобил алоқа таянч станцияларининг сонини ошириш. Бунда:</p> <p>1) хизмат кўрсатувчи мобил алоқа операторлари билан кенг полосали мобил алоқа қамровини ошириш</p>	2023 йил октябрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, мобил алоқа	Ижрочилар маблағлари	Мобил алоқа таянч станцияларининг жами сонини <b>57 мингтага</b> етказиш орқали мобил алоқа хизматларининг

	мақсадида <b>мобил алоқа таянч станцияларини ўрнатиш режасини тасдиқлаш;</b> 2) кенг полосали мобил алоқа қамровини ошириш мақсадида ўрнатиладиган <b>3 мингта таянч станциялари ва ускуналарини монтаж қилиш.</b>	2023 йил давомида	операторлари		қамрови ҳамда сифатини янада яхшилашга имконият яратилади.
7.	Халқаро ақамиятга эга магистрал автомобиль йўллари бўйлаб юқори тезликдаги мобил интернет қамровини таъминлаш. Бунда: 1) хизмат кўрсатувчи мобил алоқа операторлари томонидан халқаро ақамиятга эга магистрал автомобиль йўллари бўйлаб юқори тезликдаги мобил интернет қамрови даражасини ошириш мақсадида мобил алоқа таянч станцияларини ўрнатиш режасини тасдиқлаш; 2) халқаро ақамиятга эга магистрал автомобиль йўллари бўйлаб кенг полосали мобил алоқа қамровини ошириш мақсадида ўрнатиладиган <b>қўшимча таянч станциялари ва ускуналарини монтаж қилиш.</b>	2023 йил октябрь  2023 йил давомида	Рақамли технологиялар вазирлиги, мобил алоқа операторлари ва интернет провайдерлари	Ижрочилар маблағлари	Халқаро ақамиятга эга магистрал автомобиль йўллари бўйлаб юқори тезликдаги мобил интернет қамрови даражаси <b>80 фоизга</b> етказилади. Узунлиги <b>5 108</b> километр бўлган халқаро ва давлат ақамиятига молик автомобиль йўллари ҳамда <b>Тошкент-Самарқанд-Бўхоро</b> йўналишидаги узунлиги <b>605</b> километр бўлган темир йўллар юқори тезликдаги <b>мобил интернет</b> билан тўлиқ қамраб олинади.
8.	Аҳоли яшаш масканларида замонавий телекоммуникация хизматлари қамровини ошириш. Бунда: 1) кенг полосали интернет қамрови <b>қониқарли бўлмаган 146 та</b> аҳоли масканларини ўрганиш бўйича ҳудудлар кесимида тармоқ графигини тасдиқлаш; 2) тасдиқланган тармоқ графигига асосан аҳоли масканларини телекоммуникация хизмати билан таъминлаш.	2023 йил давомида	Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликлари, мобил алоқа операторлари ва интернет провайдерлари	Ижрочилар маблағлари	<b>146 та</b> аҳоли масканларида телекоммуникация хизматлари қамровини ошириш чоралари кўрилади.

9.	Республика ҳудудларида (Тошкент, Бухоро ва Фарғона вилоятларида) маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш марказларини ташкил этиш.	2024–2025 йиллар	Рақамли технологиялар вазирлиги, “Ўзбектелеком” АҚ	Ижрочилар маблағлари	Маълумотларни сақлаш ва қайта ишлаш инфратузилмаси ривожлантирилади.
----	--	------------------	--	----------------------	--

**II. “Рақамли фуқаро” тамойили асосида аҳолига сифатли давлат хизматларини тақдим этиш**

10.	<p><b>Ягона интерактив давлат хизматлари портала</b> (кейинги ўринларда – Ягона портал) ҳамда унинг <b>мобил иловасининг</b> фойдаланувчилар учун қўшимча қуляйликлар яратиш, қайта алоқа қилиш, шунингдек, имконияти чекланган инсонлар учун хизматлардан фойдаланиш жараёнларини енгиллаштириш ва бошқа қўшимча имкониятларни назарда тутувчи янги талқинини ишлаб чиқиш. Бунда:</p> <p>1) Ягона порталнинг янги талқинини синов тарзида ишга тушириш, уни вазирлик ва идораларнинг <b>ахборот тизимлари билан интеграция қилиш</b> режа-жадвалини тасдиқлаш;</p> <p>2) Ягона портал ва унинг <b>мобил иловасининг</b> янги талқинини <b>ишга тушириш</b>.</p>	<p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил май</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги, “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси</p>	Ижрочилар маблағлари	<p>Ягона портал ҳамда унинг мобил иловасининг янги талқини ишга туширилади ва жорий этилган хизматлардан имконияти чекланган инсонлар ва аҳолининг бошқа қатламлари учун фойдаланишда содда ва тушунарли кўринишда тақдим этиш йўлга қўйилади.</p>
11.	<p>Рақамли хизматларни аҳолига қулай ҳолда фойдаланиш учун мақбуллаштириш. Бунда:</p> <p>1) ягона порталда жорий этилган рақамли хизматларни хатловдан ўtkазиш ва фойдаланиш босқичлари <b>3 та қадамдан ортиқ бўлган хизматлар бўйича (“Digital by default” тамойили асосида) маъмурӣ жараёнларни мақбуллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш ва Рақамли технологиялар вазирлигига киритиш;</b></p> <p>2) таклифлар асосида маъмурӣ жараёнлари мақбуллаштириладиган хизматлар бўйича чоратадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>ҳар йили 20 декабря қадар</p> <p>ҳар йили 10 февралга қадар</p>	<p>Давлат хизматларини кўрсатувчи вазирлик ва идоралар</p> <p>Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги</p>	Ижрочилар маблағлари	<p>Рақамли хизматлар аҳолига қулай ҳолда фойдаланиш учун мақбуллаштирилиб, хизмат кўрсатувчи вазирлик ва идоралар томонидан “3 қадам” тамойили асосида хизмат кўрсатишига ўтилади.</p>
12.	Аҳолининг айрим ҳужжатлари амал қилиш муддати тугаётгани, қарздорлик ва жарималар мавжудлиги ҳамда амалга ошириш зарур бўлган эслатмалар ҳақида хабардор қилишни йўлга қўйиш. Бунда:		<p>Ўзига тегишли қисмида барчаси асосий ижрочи “Ўзсувтаъминот” АЖ</p>	–	Аҳолининг айрим ҳужжатлари амал қилиш муддати тугаётгани, қарздорлик ва жарималар мавжудлиги ва бошқа

	<p>1) "Рақамли ҳукумат" хизматлари ҳақида ахборот бериш ва хабардор қилиш тизимига интеграция қилиш бўйича технологик йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;</p> <p>2) белгиланган тартибда тасдиқланган технологик йўриқнома асосида ахборот тизимларини интеграция қилиш.</p>	<p>2023 йил август Режа- жадвал асосида</p>	<p>Ички ишлар вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, “Худудий электр тармоқлари” АЖ</p>		<p>эслатмалар ҳақида хабардор қилиш механизми жорий этилади.</p>
13.	<p>Ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан аҳоли ва тадбиркорларга кўрсатилаётган рақамли хизматлар бўйича <b>26 та</b> ахборот тизимларини Ягона порталга бирлаштирган ҳолда Ягона портални барча рақамли хизматлар ва сервисларни кўрсатиш ва уларнинг натижасини олишнинг ягона нуқтаси этиб белгилаш. Бунда:</p> <p>1) аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига рақамли хизматлар кўрсатилаётган нуқталарда (<b>веб-сайт, портал, платформа</b> ва бошқалар) мавжуд хизматларни таҳлил қилиш ва уларнинг рўйхатини Рақамли технологиялар вазирлигига киритиш;</p> <p>2) рақамли хизматларни қўшимча тарзда <b>Ягона порталда жорий этиш ҳамда заруратга кўра мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш</b> юзасидан лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш учун киритиш.</p>	<p>2023 йил август</p> <p>2023 йил декабрь</p>	<p>Ўзига тегишили қисмида барчаси асосий ижрочи</p> <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Транспорт вазирлиги,</p>	<p>Ижрочилар маблағлари</p>	<p>Вазирликлар томонидан аҳоли ва тадбиркорларга кўрсатилаётган Рақамли хизматлар бўйича <b>26 та</b> ахборот тизими (<a href="http://my.soliq.uz">my.soliq.uz</a>, <a href="http://singlewindows.uz">singlewindows.uz</a>, <a href="http://magistr.edu.uz">magistr.edu.uz</a> ва бошқалар)ни Ягона давлат хизматлари порталига бирлаштирилади.</p> <p>Бунда, Ягона портал барча рақамли хизматлар ва сервисларни кўрсатиш ва уларнинг натижасини олиш учун ягона фойдаланиш нуқтаси этиб белгиланади.</p>

14.	<p>Ягона порталда хизматлардан фойдаланиш жараёнини онлайн тарзда мониторинг қилиш. Бунда:</p> <p>1) Ягона порталда жорий этилган хизматлардан фойдаланиш жараёning барча босқичларида келиб чиқадиган <b>камчиликлар</b> ва <b>муаммолар</b> бўйича фойдаланувчилардан шикоятларни қабул қилиш юзасидан <b>портални такомиллаштириш</b>;</p> <p>2) Ягона порталда <b>хизматлар</b> <b>кўрсатишдаги камчиликларни аниқлаш</b> ва портални такомиллаштириш</p>	2024 йил февраль	<p><b>Рақамли технологиялар вазирлиги,</b> давлат хизматларни кўрсатувчи вазирлик ва идоралар</p>	Ижрочилар маблағлари	<p>Ягона порталда хизматлардан фойдаланиш жараёнидаги камчиликлар ва муаммолар юзасидан фойдаланувчилардан шикоятларни онлайн тарзда қабул қилиш ҳамда фаол фойдаланувчиларни рафбатлантириш йўлга</p>

	мақсадида фойдаланувчилар билан реал вақт режимида қайта алоқани йўлга қўйиш; 3) фаол фойдаланувчиларни рағбатлантиришни йўлга қўйиш.	2024–2025 йиллар			қўйилади.
15.	Фуқаролар рақамли хизматлардан мустақил равишида фойдаланишлари учун имконият яратиш мақсадида давлат хизматлари марказларида биринчи босқичда 14 та рақамли хизматлар нуқталари ташкил этиш. Бунда:  Бунда: 1) давлат хизматлари марказларида <b>рақамли хизматлар</b> нуқталари учун жойларни аниқлаб зарур инфратузилма билан таъминлаш; 2) <b>рақамли хизматлар</b> нуқталари фаолиятини йўлга қўйиш; 3) “Рақамли ҳўкумат” тизими фойдаланувчилари учун <b>туну-кун ишлайдиган Call-марказ</b> хизматини ишга тушириш.	2023 йил декабрь  2024 йил май	Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги	Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси	Жойларда фуқаролар рақамли давлат хизматларидан мустақил равишида фойдаланадиган <b>14 та рақамли хизматлар нуқталари</b> ташкил этилади.
16.	Вазирлик ва идоралар томонидан бир бирини такрорловчи функцияларга эга биллинг тизимлари ишлаб чиқилишини олдини олиш ҳамда ушбу мақсадларга йўналтирилаётган маблағларни мақбуллаштириш мақсадида барча хизматларни мажбурий равишида “Рақамли ҳўкумат”нинг ягона биллинг тизимига улаш.  Бунда, “Рақамли ҳўкумат”нинг ягона биллинг тизимига интеграция қилиш бўйича технологик йўриқномани белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва ахборот тизимларини интеграция қилиш.	2023 йил октябрь	Ўзига тегишли қисмida барчаси асосий ижрочи  Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлиар сиёсати ва спорт вазирлиги	—	Давлат органлари ва идораларида давлат божи, йиғимлар, жарима ва бошқа тўловларни амалга оширишни рақамли кўринишга ўтказиш орқали аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган <b>хизматлар</b> учун тўловларни <b>рақамли кўринишда</b> амалга ошириш имконияти яратилади.
17.	Кўчмас мулқдан текин фойдаланиш шартномаси, эр-хотиннинг умумий мол-мулки тўғрисидаги гувоҳнома, судда қатнашиш учун ишончнома, автотранспорт олди-сотди шартномасини расмийлаштириш учун ариза бериш каби <b>8 турдаги нотариал ҳаракатларни</b> онлайн шаклга ўтказиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2023 йил сентябрь	Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги		Онлайн шаклга ўтказиладиган <b>8 турдаги нотариал ҳаракатларни</b> аниқланади ва режалар белгилаб олинади.

### III. Рақамли ҳұкүмат тизимини ривожлантириш

<p><b>18.</b> “Рақамли ҳұкүмат” тизимининг рақамли маълумотлар платформаси орқали маълумотлар алмашувини ягона нүктада тизимлаштириш. Бунда:</p> <p>1) давлат ахборот тизим ва ресурслари маълумотларини давлат органи ва ташкилоти бўлмаган учинчи шахсларнинг ахборот тизимларига тўғридан-тўғри интеграция қилиниши ҳолати бўйича хатлов ўтказиш ва маълумотларни Рақамли технологиялар вазирлигига киритиш;</p> <p>2) давлат органи ва ташкилоти бўлмаган учинчи шахсларнинг ахборот тизимларига тўғридан-тўғри тақдим этилаётган маълумотларни “Рақамли ҳұкүмат” тизимининг рақамли маълумотлар платформаси “digitaldata.uz”га тақдим этиш бўйича технологик йўриқнома ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;</p> <p>3) технологик йўриқнома асосида рақамли маълумотлар платформаси “digitaldata.uz”га маълумотларни тақдим этишни йўлга қўйиш ҳамда давлат ахборот тизимлари ва ресурслари маълумотларининг давлат органи ва ташкилоти бўлмаган учинчи шахсларнинг ахборот тизимларига тўғридан-тўғри интеграция қилинишини босқичма-босқич тўхтатиш.</p>	<p>Вазирлик ва идоралар тегишлилиги бўйича</p> <p>–</p> <p>“Рақамли ҳұкүмат” тизимининг рақамли маълумотлар платформаси орқали давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда хусусий сектор ўртасида маълумотлар алмашинувини ягона нүктада тизимлаштирилади.</p>
<p><b>19.</b> “Рақамли ҳұкүмат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган жисмоний ва юридик шахсларга тегишли маълумотларга ўзgartиришлар (Ф.И.Ш., паспорт маълумотлари, ҳисоб варақлари, кадастр рақами, эгалик ҳуқуқи, тақиқ ва бошқалар) киритилганда инсон омилисиз реал вақт режимида янгиланишини йўлга қўйиш. Бунда:</p> <p>1) идоралараро интеграциялашув платформасига уланиш бўйича технологик йўриқномаларга қўшимчалар киритиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш;</p> <p>2) идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган маълумотларга тегишли</p>	<p>Барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан Марказий банк, суд ва прокуратура органлари ҳамда уларнинг таркибий бўлинмалари, шунингдек, устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва үндан</p> <p>–</p> <p>“Рақамли ҳұкүмат” тизими идоралараро интеграциялашув платформасига тақдим этилаётган маълумотларга тегишли ўзgartиришлар киритилганда инсон омилисиз реал вақт режимида янгилаш имкони яратилади.</p>
<p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил январь</p> <p>2023–2024 йиллар</p>	<p>2023 йил август-октябрь</p> <p>2023 йил</p>

	ўзгартиришлар киритилген ҳолда автомат тарзда маълумот ( <i>PUSH</i> -сервис) юборилишини йўлга қўйиш.	декабрдан бошлаб доимий	ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ҳамда давлат унитар корхоналари (кейинги ўринларда – давлат органлари ва ташкилотлари)		
20.	<p>Ягона портал орқали фойдаланилган хизматлар натижасида тақдим этилган ҳужжат ва маълумотларни ҳамда ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали олинаётган ҳужжатларни (<i>тегишили норматив-хукуқий ҳужжатларда белгиланган</i>) фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларидан талаб қилиш амалиётини бекор қилиш. Бунда:</p> <p>1) фуқаро ва тадбиркорлик субъектларидан талаб этиладиган ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва талаб этиш зарурати бўлмаган ҳужжатлар рўйхатини белгилаш;</p> <p>2) талаб этиш зарурати бўлмаган ҳужжатларни талаб этиш амалиётини бекор қилиш.</p>	<p>2023 йил сентябрь</p> <p>2023 йил ноябрь</p>	Давлат органлари ва ташкилотлари	–	<p>Ягона портал орқали рақамли хизматларнинг натижаси ҳисобланадиган ҳужжатларни (маълумот, маълумотнома ва бошқалар) ҳамда ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилиш орқали рақамли тарзда олинаётган ҳужжатларни фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларидан талаб қилиш амалиёти <b>бекор қилинади</b> ва аҳолининг ортиқча оворагарчилигига йўл қўйилмайди.</p>
21.	<p>Рақамли маълумотлар базаларини ўз вақтида ва сифатли шакллантириш, <b>маълумотларни рақамлаштириш, маълумотлар ҳамда рақамли кўринишдаги ҳужжатларни муддатида</b> бериш юзасидан шахсий жавобгарликни белгилаш. Бунда:</p> <p>1) аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва давлат органлари учун зарур бўлган маълумотларни доимий равишда рақамлаштириш ишларини олиб бориш;</p> <p>2) рақамли маълумотлар базаларини ва уларнинг захира нусхаларини шакллантириш;</p> <p>3) рақамли маълумотлар базаларидағи маълумотларни Идоралараро интеграциялашув платформасига доимий асосда тақдим этиш;</p> <p>4) ахборот тизимларида профилактик тадбирлар ҳақида</p>	<p>Доимий равища</p> <p>2023 йил августдан доимий</p> <p>Доимий равища</p> <p>2023 йил</p>	Давлат органлари ва ташкилотлари	Ижрочилар маблағлари	<p>Вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига маълумот базаларини ўз вақтида ва сифатли шакллантириш, маълумотларни рақамлаштириш, маълумотлар ҳамда рақамли кўринишдаги ҳужжатларни муддатида таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юкланди.</p>

	камида <b>3 күн олдин</b> Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш марказини огоҳлантиришни тизимини йўлга қўйиш.	октябрдан доимий			
22.	<p>Республика ижро этувчи ҳокимият органлари марказий аппаратлари, ҳудудий бўлинмалари, тизим ташкилотлари ва уларнинг ҳудудий бўлинмаларида ҳужжатлар алмашинувини “<b>қоғозсиз иш юритиш</b>” тамойили асосида амалга ошириш. Бунда:</p> <p>1) “<b>Ijro.gov.uz</b>” ижро интизоми идоралараро ягона электрон тизимининг такомиллаштирилган талқини “edo.ijro.uz” электрон ҳужжат айланиш модулига улаш;</p> <p>2) “edo.ijro.uz” электрон ҳужжат айланиш модули орқали қабул қилинган барча турдаги буйруқ, қарор ва фармойишларни “E-qaror” электрон тизими орқали эълон қилиб бориш амалиётини йўлга қўйиш. Бунда, республика ижро этувчи ҳокимият органларининг барча турдаги ички ҳужжатлари (хатлар, мурожаатлар, баёнлар, буйруқлар, қарор ва фармойишлар) “edo.ijro.uz” электрон ҳужжат айланиш модули орқали ишлаб чиқилади ва имзоланади;</p> <p>3) рақамли иш жойи – “<b>Digital office</b>” тизими ва давлат хизматчиларининг ўзаро ёзишмалари учун мўлжалланган ҳимояланган миллий мессенжерни жорий этиш. Бунда, “<b>Digital office</b>” тизими доирасида республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг барча ходимлари учун профил яратиш;</p> <p>4) ходимлар ҳақида маълумотлар, лавозимлар ва боғланиш маълумотлари актуаллигини таъминлаш мақсадида “<b>Digital office</b>” тизимини “<b>hrm.argos.uz</b>” ахборот тизими билан интеграция қилиш;</p> <p>5) “<b>Ijro.gov.uz</b>” тизимида давлат органлари ва ташкилотлари мажлис ва йиғилишларини ўtkазиш модулини ишга тушириш;</p>	<p>2023 йил сентябрдан бошлаб 2023 йил сентябрдан бошлаб доимий</p> <p>2023–2024 йиллар давомида</p> <p>2023 йил декабрь</p> <p>2023 йил декабрь</p>	<p><b>Рақамли технологиялар вазирлиги,</b> давлат органлари ва ташкилотлари</p> <p><b>Рақамли технологиялар вазирлиги,</b> Республика ижро этувчи ҳокимият органлари</p>	–	<p>Барча давлат органлари ва ташкилотлари ўртасида ҳужжатлар алмашинуви ҳамда ўзаро ёзишмалар ички рақамли ҳужжат алмашинув тизимларини “Рақамли ҳукумат” тизими билан интеграция қилган ҳолда “<b>қоғозсиз иш юритиш</b>” тамойили асосида амалга оширилади.</p>

	6) “edo.ijro.uz” ва “hrm.argos.uz” тизимларини ўзаро интеграция қилиш ва тасдиқланган ҳужжатларни тизимларда акс эттириш; 7) электрон ҳужжат айланиш тизимларини республика ижро этувчи ҳокимият органларида юритишни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил декабрь  2024 йил апрель	Рақамли технологиялар вазирлиги		
23.	“Ijro.gov.uz” ижро интизоми тизимини янада такомиллаштириш. Бунда: 1) Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси учун мониторинг, Вазирлар Маҳкамаси ва Адлия вазирлиги учун келишиш, мониторинг ва назорат, Ҳисоб палатаси учун мониторинг ва назорат, марказий муассасалар, вазирлик ва идоралар учун топшириқларни ижро этиш ва бошқа қўшимча модулларни яратиш; 2) тизимнинг ҳимояланган мессенжер (messenger.ijro.uz) модулини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш; 3) тизимнинг мобиль иловасини яратиш ва ишга тушириш.	2023 йил давомида	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари	“Ijro.gov.uz” тизимининг мобиль иловаси, мессенжери ва янги модулларини яратиш орқали тизимдан фойдаланиш имкониятлари кенгайтирилади ҳамда қўшимча функцияларни амалга ошириш имкониятлари яратилади. Шунингдек, ҳар бир вазифа ва топшириқларнинг ўз вақтида сифатли бажарилиши устидан самарали назорат ва мониторинг қелишиш, ижро ҳужжатларини келишиш йўлга қўйилади.
24.	“Ишончли учинчи тараф” тамойили асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида берилган рақамли имзо билан тасдиқланган рақамли ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш имконини берувчи “Ягона рақамли ҳужжатлар” маълумотлар базасини юритиш. Бунда: 1) норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш; 2) “Ягона рақамли ҳужжатлар” маълумотлар базасини жорий этиш.	2024 йил март 2024 йил июль	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	–	“Ишончли учинчи тараф” тамойили асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида берилган рақамли имзо билан тасдиқланган рақамли ҳужжатларнинг ҳақиқийлигини тасдиқлаш имконини берувчи “Ягона рақамли ҳужжатлар” маълумотлар базаси яратилади ва уни юритиш тартиби белгиланади. Бунда, “Рақамли ҳукумат” тизимининг маълумотларни қайта ишлаш марказида сақланаётган

					ҳужжатлар, жумладан архив ҳужжатларини "Ишончли учинчи томон" тамоилии асосида тасдиқлаш вазифаси Рақамли технологиялар вазирлиги зиммасига юкланди.
25.	Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонунини сўнгги йилларда амалга оширилган ўзгаришларни инобатга олган ҳолда таомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2023 йил декабрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, манфаатдор вазирлик ва идоралар	-	<p>Қўйидагиларни назарда тутган ҳолда таклифлар ишлаб чиқилади:</p> <p>хизмат ва сервисларни тўлиқ рақамли ва проактив шаклда кўрсатиш;</p> <p>"Рақамли ҳукумат" тизимининг янги архитектураси ва инфратузилмасини белгилаш ва самарали бошқариш;</p> <p>"Рақамли ҳукумат" лойиҳаларини барқарор молиялаштириш манбаларини белгилаш;</p> <p>идоралараро, аҳоли ва тижорат ташкилотлари ўртасидаги ахборот алмашинуви ва ҳамкорлик тартибини белгилаш;</p> <p>рақамли хизматлар кўрсатиш ва уларнинг натижасини олишнинг ягона нуқтасини белгилаш.</p>
26.	Қўйидагиларни назарда тутган ҳолда, барча давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимларининг "Рақамли ҳукумат" тизимига интеграция қилинишига фақатгина "Рақамли ҳукумат" тизимининг ягона идентификаторлари ҳамда маълумотномалар ва таснифлагичлар регистри ахборот тизимида жойлаштирилган ягона умумдавлат маълумотномалар ва таснифлагичлардан фойдаланилганидагина йўл қўйиш:		<p><i>Ўзига тегишли қисмида барчаси асосий ижрочи</i></p> <p>Статистика агентлиги, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги,</p>	-	Барча давлат органлари ва ташкилотлари ахборот тизимларининг "Рақамли ҳукумат" тизимига интеграция қилинишига фақатгина "Рақамли ҳукумат" тизимининг ягона идентификаторлари ҳамда маълумотномалар ва

<p>1) вазирлик ва идоралар томонидан ўзларининг фаолиятига доир барча турдаги маълумотномалар ва таснифлагичларни хатловдан ўтказиш, уларни жойлаштириш ва юритишга масъул бўлган ходимларни белгилаган ҳолда Рақамли технологиялар вазирлигига киритиш;</p> <p>2) хатлов натижаларига кўра аниқланган ҳамда Рақамли технологиялар вазирлиги билан келишилган тегишли маълумотномалар ва таснифлагичларни "Рақамли ҳукумат"нинг маълумотномалар ва классификаторлар регистрига жойлаштириш ва вебхизмат орқали мунтазам равишда янгилаб бориш.</p>	<p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил мартдан бошлаб доимий</p>	<p>Марказий банк, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Сув хўжалиги вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Ташки ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Транспорт вазирлиги, Маданият ва туризм вазирлиги,</p>		<p>таснифлагичлар ахборот жойлаштирилган умумдавлат маълумотномалар ва таснифлагичлардан фойдаланилганидагина йўл қўйилади.</p> <p>Бунда, бошқа турдаги маълумотномалар ва таснифлагичлар қўлланилган тақдирда, давлат органлари уларни "Рақамли ҳукумат" тизимининг маълумотномалар ва таснифлагичлар регистри ахборот тизимида жойлаштиради ва мунтазам равишда янгилаб боради.</p>
--	---	--	--	---

			Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Табиат ресурслари вазирлиги, Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги		
27.	<p>Ҳар йили келгуси йил учун рақамлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш. Бунда:</p> <p>1) рақамли технологияларни ривожлантириш, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларини қўйидаги йўналишларда жорий этиш дастурларини, аниқ ҳисоб-китоблар асосида уларга сарфланадиган харажатларни асословчи ҳужжатларни (техник ва молиявий ҳужжатлар) ишлаб чиқиш ва келишиш учун Рақамли технологиялар вазирлигига киритиш:</p> <p>ахборот тизимлари ва ресурсларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;</p> <p>рақамли хизматларни жорий этиш;</p> <p>рақамли инфратузилмани ривожлантириш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш;</p> <p>рақамли технологиялар йўналишида ходимларнинг билим ва кўнкимасини ошириш;</p> <p>2) Рақамли технологиялар вазирлиги билан келишилган ҳолда рақамлаштириш дастурини тасдиқлаш;</p> <p>3) рақамлаштириш дастурига киритилган тадбирларни келгуси йил учун шакллантириладиган Давлат бюджети параметрларида назарда тутиш учун келгуси йил учун бюджет буюртмасини асосланган ҳисоб-китоблар билан тақдим этиш.</p>	<p>Ҳар йили апрель</p> <p>Ҳар йили июнь</p> <p>Ҳар йили июль – август ойларида</p>	<p>Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари</p>	–	<p>Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ҳар йили келгуси йил учун рақамлаштириш дастурлари шу йил учун долзарб масалалар билан қамраб олинади ва идоралар ўртасидаги рақамли тафовут камайтирилишига эришилади.</p>

<p>28. Кўп квартирали уйларни бошқариш органи томонидан кадастр паспортини расмийлаштириш билан боғлиқ тўловларни икки йил давомида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш тизимини йўлга қўйиш. Бунда:</p> <p>1) тўловларни (шу жумладан, кадастр паспортини расмийлаштириш учун тўловларни) жойлар мулқдорлари ёки тегишли кўп квартирали уйни бошқариш органи томонидан икки йил давомида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлашни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш;</p> <p>2) рақамли маълумот алмашинувини таъминлаш мақсадида тегишли ахборот тизимларини “Рақамли ҳукумат”нинг идоралараро интеграциялашув платформасига интеграция қилиш бўйича техник ҳужжатларни ишлаб чиқиш;</p> <p>3) техник ҳужжатларга асосан тизимларни ўзаро интеграция қилиш;</p> <p>4) тўловларни рақамли шаклда икки йил давомида бўлиб-бўлиб тўлаш имкониятини яратиш.</p>	<p>2023 йил август</p> <p>2023 йил июль</p> <p>2023 йил август</p> <p>2023 йил декабрь</p>	<p>Қўрилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Кадастр агентлиги, Адлия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги</p>	<p>–</p>	<p>Кўп квартирали уй жойлашган ва унга туташ ер участкаси ҳамда кўп квартирали уйлардаги умумий мол-мулкка бўлган ҳуқуқларни жойлар мулқдорларининг номига давлат рўйхатидан ўтказишда амалга оширилиши керак бўлган тўловларни (шу жумладан, кадастр паспортини расмийлаштириш учун тўловларни) жойлар мулқдорлари ёки тегишли кўп квартирали уйнинг бошқариш органи томонидан икки йил давомида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш тизими йўлга қўйилади.</p>
<p>29. Барча давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, шу жумладан Марказий банк, суд ва прокуратура органлари ҳамда уларнинг таркибий бўлинмалари (кейинги ўринларда – давлат органлари)да рақамли технологияларни жорий этишга доир лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига иқтисод қилинган маблағларнинг <b>50 фоизини</b> келгусида мазкур ижро этувчи ҳокимият органлари фаолиятида рақамли технологияларни ривожлантиришга йўналтириш. Бунда:</p> <p>1) давлат органларида рақамлаштириш ҳисобига иқтисод қилинган маблағларни ҳисоб-китоб қилиш;</p> <p>2) ушбу иқтисод қилинган маблағларнинг 50 фоизини IT-соҳасини ривожлантиришга йўналтириш учун давлат органларига келгуси молия йилида қайтариб беришни давлат бюджети параметрларида инобатга олиш;</p>	<p>Ҳар йили июнь оидада</p> <p>Ҳар йили август оидада</p>	<p>Давлат органлари, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги</p>	<p>–</p>	<p>Рақамлаштириш ҳисобига иқтисод қилинган маблағларнинг <b>50 фоизини</b> IT-соҳасини ривожлантириш учун давлат органларига келгуси молия йили мобайнida қайтариб бериш йўлга қўйилади.</p>

	3) давлат органлари томонидан Давлат бюджетидан қайтариб берилган маблағларнинг IT-соҳасини ривожлантиришга мақсадли йўналтирилишини таъминлаш.	Йил давомида			
30.	<p>Бюрократик тўсиқларга чек қўйиш ҳамда инсон омилини қисқартириш мақсадида вазирлик ва идораларнинг кадрлар билан ишлаш йўналишидаги фаолиятини ягона автоматлаштирилган тизим “hrm.argos.uz” платформаси орқали юритиш. Бунда платформа орқали қўйидагилар амалга оширилади:</p> <p>таркибий тузилма, штатлар, лавозимлар ва ходимлар тўғрисидаги маълумотларни ягона электрон базага жамлаган ҳолда ахборотни тўплаш ва унга ишлов бериш;</p> <p>“hrm.argos.uz” ва “edo.ijro.uz” ахборот тизимларининг ўзаро интеграциясини таъминлаган ҳолда кадрларга оид иш юритув ҳужжатларини электрон шаклда юритиш;</p> <p>ходимларнинг иш фаолияти самараదорлигини автоматик баҳолаш;</p> <p>кадрлар бўйича маълумотларнинг электрон архивини юритиш.</p>	2023 йил август	<b>Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги,</b> “Uzinfocom” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ	-	Вазирлик ва идораларнинг кадрлар билан ишлаш фаолияти тўлиқ рақамлаштирилади.
31.	<p>Тизимларни ўзаро интеграция қилган ҳолда “hrm.argos.uz” тизими орқали “UzASBO” дастурий мажмуаси, “E-qaror” тизими ва “E-huquqshunos” тизимларига маълумот киритиш имкониятини яратиш. Бунда:</p> <p>1) технологик йўриқнома лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;</p> <p>2) тизимларининг ўзаро интеграциясини амалга ошириш.</p>	2023 йил июль 2023 йил октябрь	<b>Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги,</b> Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, “Uzinfocom” давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор” МЧЖ	-	“hrm.argos.uz” тизими орқали зарур маълумотларни рақамли тарзда олиш имкони яратилади.
32.	Амалиётдаги ижобий тажрибаларни инобатга олган ҳолда лавозимлар ва ходимлар тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва уларга ишлов бериш, кадрларга оид иш юритув ҳужжатларини, шу жумладан	2023 йил июль	<b>Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги,</b> манбаатдор вазирлик	-	Инсон ресурсларини бошқаришга қаратилган электрон дастур – “hrm.argos.uz” платформаси амалиётдан келиб

	"edo.ijro.uz" ахборот тизими билан электрон ҳамкорлик орқали зарур маълумотларни олган ҳолда "hrm.argos.uz" тизимида юритиш тартиби лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.		ва идоралар		чиқсан ҳолда янада такомиллаштирилади.
33.	Магистрал газ қувурларини рақамлаштириш бўйича таклифлар киритиш. Бунда: 1) магистрал газ қувурларининг рақамлаштирилганлик даражасини ўрганиш; 2) газ қувурларидағи йўқотишларни камайтириш бўйича рақамлаштириш жараёнини такомиллаштириш юзасидан аниқ таклифлар шакллантириш ва "Йўл харитаси" шаклида Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил август	"Ўзтрансгаз" АЖ	-	Магистрал газ қувурларини рақамлаштириш бўйича таклифлар киритилади.
34.	Соғлиқни сақлаш тизимидаги ахборот тизимларини ўзаро интеграция қилишга шароит яратиш учун халқаро тажриба асосида зарур бўлган стандартлар, классификатор ва маълумтономалар ҳамда номенклатураларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда: 1) жаҳон стандартлари ва классификаторларни ўрганиш; 2) ўрганиш натижаси бўйича миллий стандартлари ва классификаторларни ишлаб чиқиш; 3) ишлаб чиқилган стандартлар ва классификаторларни "Рақамли ҳукумат"нинг маълумтономалар ва таснифлагичлар регистрига жойлаш;	2023 йил июль 2023 йил октябрь 2023 йил декабрь	Соғлиқни сақлаш вазирлиги	Халқаро молия институтлари маблағлари	Соғлиқни сақлаш тизимидаги ахборот тизимларида қўлланиладиган ягона стандартлар, классификатор ва маълумтономалар ҳамда номенклатуралар шакллантирилади.
35.	Ички ишлар вазирлигининг "E-muruy ish" ахборот тизими билан Бош прокуратуранинг "E-material" дастурий таъминотини ўзаро интеграция қилиш. "E-muruy ish" ахборот тизимини "Рақамли ҳукумат" тизими идоралараро интеграциялашув платформасига интеграция қилиш.	2023 йил сентябрь	Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва бюджетдан ташқари маблағлар	Давлат органлари ахборот тизимлари ўртасида идоралараро электрон ҳамкорлик йўлга қўйилиб, ортиқча сарсонгарчилик ва харажатлар олди олинади.
36.	"Рақамли геология" тизимини яратиш доирасида электрон геологик маълумотлар базасини шакллантириш ва замонавий дастурий таъминотларда фойдаланишини таъминлаш. Бунда:		Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар	Ишончли ва сифатли электрон геологик маълумотлар базасини шакллантириш имконияти яратилади.

	1) рақамли күринишга ўтказиладиган маълумотлар рўйхатини тузиш ва тегишли ускуналар билан таъминлаш; 2) рақамли геологик ахборот ресурсларини шакллантириш бўйича техник чора-тадбирларни амалга ошириш ва амалиётга жорий этган ҳолда самарали фойдаланишини йўлга қўйиш.	2023 йил август  2023 йил ноябрь	ва бюджетдан ташқари маблағлар		
37.	Рақамли геологик ахборотлардан фойдаланиш имкониятларини ошириш, унинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида давлат геология фондини рақамли базага ўтказиш. Бунда:  1) геологик ҳисботлар хатловини якунлаш ва устувор рақамли асосга ўтказиладиган манбалар рўйхатини шакллантириш; 2) рўйхат асосида геологик ҳисботларни рақамли күринишга ўтказиш бўйича тегишли техник чора-тадбирларни амалга ошириш.	2023 йил август  2023 йил декабрь	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва бюджетдан ташқари маблағлар	Рақамли база шакллантирилиши натижасида геологик ҳисботларни электрон шаклда юритиш йўлга қўйилади.
38.	Геология соҳасидаги давлат кадастрлари ҳамда фойдали қазилмалар бўйича давлат балансини юритиш жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш. Бунда:  1) геология соҳасидаги давлат кадастрлари ва фойдали қазилмалар бўйича давлат балансини юритиш жараёнини таҳлил қилиш; 2) таҳлил натижасида ушбу жараёnlарни ахборот тизимларини жорий этиш орқали такомиллаштириш чораларини кўриш.	2023 йил август  2023 йил декабрь	Тоғ-кон саноати ва геология вазирлиги	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва бюджетдан ташқари маблағлар	Геология соҳасидаги давлат кадастрлари ҳамда фойдали қазилмалар бўйича давлат балансининг доимий онлайн маълумотлари шакллантирилади.
39.	Қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш мақсадида “E-IJARA” ахборот тизими имкониятларидан фойдаланишини кенгайтириш. Бунда:  1) тизим орқали аҳолига 96,6 минг гектар ер майдонларини 400 мингдан ортиқ дехқон хўжалигини ташкил этиш мақсадида очиқ электрон танлов орқали ажратиш, ҳисботлар ва техник имкониятларни такомиллаштириш; 2) ерларни аҳолига, жумладан, эҳтиёжманд оиласаларга ажратишда шаффофликни ошириш, идораларга ягона ва аниқ маълумотларни тақдим этишини йўлга қўйиш;	2023 йил август  2023 йил декабрь	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва бюджетдан ташқари маблағлар	Қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш имконияти кенгаяди.

	3) вазирликнинг ҳудудий бўлинмалари ва Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш агентлигида тизим ёрдамида самарали ишлашни ташкил этиш.	Доимий			
40.	<p>Тошкент давлат аграр университетининг (ТДАУ) Самарқанд филиалида талабалар ва ёш олимларнинг стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш бўйича Инкубация марказини ташкил этиш. Бунда:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1. ТДАУ Самарқанд филиалида Инкубация марказини ташкил этиш учун зарур майдонларни ажратиш, замонавий услубда таъмираш;</li> <li>2. Инкубация маркази фаолиятини ташкил этиш учун зарур компьютер, коммуникация техникалари ва бошқа воситалар билан жиҳозлаш;</li> <li>3. Инкубация маркази фаолиятини йўлга қўйиш.</li> </ol>	<p>2023 йил август</p> <p>2023 йил октябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p>	Қишлоқ хўжалиги вазирлиги	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва бюджетдан ташқари маблағлар	Талабаларнинг стартап лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва ҳаётга жорий этиш бўйича ишлар жадаллашади.

#### IV. “Рақамли ҳудуд” лойиҳасини амалга ошириш

41.	<p>“Рақамли Тошкент” тажрибасини Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда жорий этиш. Бунда:</p> <ol style="list-style-type: none"> <li>1) “Халқ назорати” порталини жорий этиш, шунингдек, у орқали келиб тушган мурожаатларни кўриб чиқиш муддатлари ҳамда уларга масъул бўлган вазирлик ва идоралар, шу жумладан, уларни назоратдан ечишга ваколатли идорани белгилашни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат (регламент) лойиҳасини ишлаб чиқиш;</li> <li>2) ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш;</li> <li>3) “Рақамли геопортал” ахборот тизими ва “Халқ назорати” платформасини: <ul style="list-style-type: none"> <li>биринчи босқичда – Ангрен, Оҳангарон, Янгийўл, Чирчик ва Нурафшон шаҳарларида ишга тушириш;</li> <li>иккинчи босқичда – Жиззах ва Урганч шаҳарларида ишга тушириш;</li> </ul> </li> <li>4) “Коммунал хатлов” ахборот тизимини Ангрен, Оҳангарон, Янгийўл, Чирчик, Нурафшон, Жиззах ва Урганч шаҳарларида ишга тушириш;</li> </ol>	<p>2023 йил август</p> <p>2023 йил сентябрь</p> <p>2023 йил август</p> <p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил декабрь</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги, Рақамли ривожланиш департаменти</p> <p>Ўзига тегишли қисмида барчаси асосий ижрочи</p> <p>Тошкент вилояти ҳокимлиги, Жиззах вилояти ҳокимлиги, Хоразм вилояти ҳокимлиги,</p>	Маҳаллий бюджет маблағлари	<p>“Рақамли Тошкент” тажрибаси босқичма-босқич Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда жорий этилади ва бунинг натижасида аҳоли муаммоларини ҳал қилишнинг янги механизми яратилишига ҳамда коммунал хўжалик инфратузилмасига ажратиладиган бюджет маблағлари манзилли сарфланишига эришилади.</p>
-----	---	--	--	----------------------------	--

	5) юқоридаги ахборот тизимларини Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ишга тушириш.	2025 йил декабрь	Рақамли ривожланиш департаменти Рақамли технологиялар вазирлиги  Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашы, вилоят жокимликлари		
42.	<p>“Рақамли ҳудуд” дастури доирасида Рақамли ривожланиш департаменти сўровига асосан қўйидаги маълумотларнинг долзарбилигини таъминлаган ҳолда мунтазам равишда тақдим этиб борилишини йўлга қўйиш:</p> <p>1) маъмурӣ-ҳудудий бирликлар, маҳалла фуқаролар йигинлари ва секторларнинг чегаралари, кўчмас мулк обьектлари, уларнинг ер участкалари чегараларининг рақамли хариталари ҳамда уларнинг географик жойлашуви;</p> <p>2) Давлат картография-геодезия фондида ва бошқа ташкилотларида сақланаётган аэросуратлар, космик суратлар ва улар асосида яратилган ортофотопланлар, шунингдек бошқа архив хариталар;</p> <p>3) Давлат кадастрлари палатаси томонидан юритилаётган Давлат кадастрлари ягона тизими маълумотлар базаси маълумотлари.</p>	2023 йил августдан доимий	Кадастр агентлиги, Рақамли ривожланиш департаменти	–	“Рақамли ҳудуд” дастури доирасида Рақамли ривожланиш департаменти актуал маълумотлар билан таъминланади.
43.	<p>Ахборот тизимларидағи мавжуд маълумотларга ноёб идентификаторлар (ЖШШИР, СТИР, кадастр рақами, географик код, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиси) киритиш. Бунда:</p> <p>1) ҳудудларни рақамлаштириш лойиҳалари доирасида жорий этилган лойиҳаларда қўлланилаётган ноёб идентификаторлар, каталоглар ва таснифлагичлардан фойдаланилиши бўйича давлат органлари</p>	2023 йил сентябрь	Республика ва маҳаллий ижро этувчи жоғимийт органлари	–	Ҳудудларни рақамлаштириш лойиҳалари доирасида жорий этилган ахборот тизимларига тақдим этиладиган вазирлик ва идораларнинг тегишли ахборот тизимларидағи мавжуд маълумотлар таркибига мажбурий равишда ноёб

<p>ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва маълумотлар базаларини тўлиқ хатловдан ўтказиш;</p> <p>2) хатлов натижаси бўйича аниқланган камчиликларни бартараф этишга қаратилган вазифаларни белгилаш;</p> <p>3) камчиликларни бартараф этиш.</p>	<p>2023 йил ноябрь 2023 йил декабрь</p>			<p>идентификаторлар (ЖШШИР, СТИР, кадастр рақами, географик код, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиси) киритилади.</p>
---	---	--	--	--

#### V. IT-индустрияни янада ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, IT-хизматлар экспорти ҳажмини ошириш

<p><b>44. IT-паркда хорижий компаниялар учун Рақамли технологиялар халқаро маркази фаолиятини ташкил этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши. Бунда:</b></p> <p>1) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгаши қошида маҳсус ишчи гурӯҳ шакллантириш ҳамда унинг фаолиятини эксперт-маслаҳат жиҳатдан таъминлаш учун ишчи гурӯҳга хорижий ва маҳаллий эксперталарни жалб этиш;</p> <p>2) лойиҳа гурӯҳи томонидан амалдаги қонунчилик, молия технологиялар маҳаллий бозори ҳамда солиқ режими ва банк соҳасида тартибга солишининг жорий ҳолатидан келиб чиқиб, хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда уни амалиётга жорий қилиш имкониятини комплекс таҳлил қилиш;</p> <p>3) Рақамли технологиялар халқаро марказида хорижий компаниялар учун қўлланиладиган маҳсус ҳуқуқий режимни жорий қилиш, уларнинг молиявий фаолиятини тартибга солиш, “тартибга солиш қўмдони”ни жорий этиш каби масалаларни назарда тутувчи чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2023 йил июль</p> <p>2023 йил октябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p>	<p><b>Рақамли технологиялар вазирлиги, Инвестициялар саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Марказий банк, Адлия вазирлиги</b></p>	<p>Ижрочилар маблағлари</p>	<p>Инновацион экотизимни яратиш ҳамда республикага етакчи хорижий IT-компаниялар, венчур жамғармалар ва молия технологиялари соҳасидаги стартап лойиҳаларни жалб қилиш мақсадида IT-паркда хорижий компаниялар учун Рақамли технологиялар марказини ташкил этиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.</p> <p>Бунда, Ўзбекистон IT-бозорига йирик хорижий компанияларни кенг жалб этиш, Ўзбекистоннинг жаҳон майдонида инвестицион жозибадорлигини ошириш, шунингдек инновацион лойиҳалар амалга оширилишини рағбатлантириш имконияти яратилади.</p>
<p><b>45. “ICT WEEK UZBEKISTAN 2023” ҳафталигини ташкил этиш. Бунда:</b></p> <p>1) ҳафталик доирасида ўтказилиши режалаштирилган тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;</p> <p>2) халқаро тадбирни ташкил этиш учун энг яхши таклифлар асосида ташкилотчини аниқлаш ва шартнома имзолаш.</p>	<p>2023 йил декабрь</p>	<p><b>Рақамли технологиялар вазирлиги, Тошкент вилояти ҳокимлиги</b></p>	<p>Ижрочилар маблағлари</p>	<p><b>“ICT WEEK UZBEKISTAN 2023” ҳафталиги</b> ташкил этилади. Ўзбекистоннинг IT-бозорида эришган натижалари ва ютуқларини халқаро майдонда намойиш этиш, шунингдек хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш имконияти яратилади.</p>

<p>46. IT-парк резидентлари томонидан амалга оширишга рухсат этилган фаолият турлари рўйхатини кенгайтириш учун қўйидагиларни назарда тутувчи Вазирлар Маҳкамаси қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш:</p> <p>1) мультимедиа ва дизайн соҳасининг веб-дизайн, графика дизайнни, компьютер ўйинлари дизайнни, вектор графикаси, 3D-графика, визуаллаштирувчи дизайн, интерфейс дизайнни, техник дизайн, моушн-дизайн соҳасида хизмат кўрсатиш;</p> <p>2) дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда мультиплекция маҳсулотларини ишлаб чиқариш;</p> <p>3) IT-парк ва унинг филиаллари ҳудудида жойлашган ва юридик манзилда рўйхатдан ўтган ташкилотлар томонидан ахборот технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни венчур молиялаштириш ҳамда акселерация дастурларини амалга ошириш фаолияти билан шуғулланиш;</p> <p>4) IT-парк резидентларининг ахборот тизимларини давлат органларининг ахборот тизимлари билан мажбурий интеграция қилиш талабини бекор қилиш;</p> <p>5) IT-парк резидентлари “Виртуал офис” хизматидан фойдаланганда ижара шартномасини тузиш тизимини такомиллаштириш.</p>	<p>2023 йил август</p>	<p><b>Рақамли технологиялар вазирлиги</b></p>	<p>–</p>	<p>IT-парк резидентлари томонидан амалга оширишга рухсат этилган фаолият турлари рўйхати кенгайтирилади.</p>
<p>47. Юридик шахсларнинг IT-парк резиденти мақомини олиш тартибини ва IT-парк резидентларининг ҳисоботларини соддлаштириш ва уларни солиқ ва статистика органлари ахборот тизимлари билан интеграция қилиш. Бунда:</p> <p>1) ҳисббот шаклини қайта кўриб чиқиш ва соддлаштириш ҳамда солиқ ва статистика органлари ахборот тизимлари билан интеграция қилиш;</p> <p>2) норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2023 йил август</p>	<p><b>Рақамли технологиялар вазирлиги,</b> Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Статистика агентлиги</p>	<p>–</p>	<p>Юридик шахсларнинг IT-парк резиденти мақомини олиш тартиби ва IT-парк резидентларининг IT-паркка ҳисббот тақдим этиш тартиби соддлаштирилади ва уларнинг ахборот тизимларини солиқ органлари ахборот тизимлари билан интеграция қилиш орқали улар фаолияти автоматлаштирилади, IT-парк резидентларининг фаолияти янада такомиллаштирилади.</p>

48.	IT-парк мажмуси бинолари қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларига белгиланган тартибда таклиф киритиш.	2023 йил декабрь	Рақамли технологиялари вазирлиги, Қурилиш ва ўй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Тошкент шаҳри ҳокимлиги	–	IT-парк мажмуси бинолари қурилиши бўйича лойиҳа-смета ҳужжатларига таклиф киритилади.
49.	Рақамли технологиялар вазирлиги тизимидағи фаолияти тутатилаётган қўйидаги ахборот технологиялари техникумлари биноларини мақсадли тарзда жойларда рақамли индустрияни ривожлантириш учун IT-парк балансига ўтказиш: 1) Фарғона ахборот технологиялари техникуми; 2) Урганч ахборот технологиялари техникуми.	2024 йил март	Рақамли технологиялар вазирлиги	–	Рақамли технологиялар вазирлиги тизимидағи фаолияти тутатилаётган ахборот технологиялари техникумлари бинолари негизида IT-парк лойиҳалари доирасида 500 дан ортиқ иш ўринлари яратилади, вилоятда фаолият юритмоқчи бўлган чет эл компаниялари учун офис бинолари ажратилади.
50.	2023 йил 1 октябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларига электрон тижорат фаолияти доирасида эркин омбор божхона режимига жойлаштирилган товарлар билан чакана савдо операцияларини амалга оширишга рұксат бериш чораларини қўриш. Бунда: 1) айрим қонунчиллик ҳужжатларига ўзgartериш ва қўшимчалар киритиш бўйича қонун лойиҳаси, шунингдек, ушбу тартибни амалга ошириш учун зарурый механизmlарни жорий этишга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш; 3) қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил июнь 2023 йил август	Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги	–	Электрон тижорат соҳасини ривожлантириш орқали савдо айланмаси ҳажмини 2023 йилда 500 миллион АҚШ долларига етказиш, шунингдек, иқтисодиётда хуфиёна айланмани қисқартириш учун шароит яратилади.
51.	Рақамли технологиялар соҳасида IT-таълим хизматларини кўрсатиш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда экспортга йўналтириш бўйича стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун танлов асосида 1 миллиард сўмгача бўлган грантлар ажратишни IT-парк орқали амалга ошириш. Бунда:		Рақамли технологиялар вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги,	Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	Рақамли технологиялар соҳасида IT-таълим хизматларини кўрсатиш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда экспортга йўналтириш бўйича стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш

<p>1) илғор хорижий тажриба асосида ушбу грант маблағларини олиш учун ахборот платформаси орқали мурожаат қилиш, мурожаат қилиш жараёнини кузатиб бориш, лойиҳанинг молиявий ва техник жиҳатдан баҳоланиши ҳамда грант маблағлар ажратилиши тартиби лойиҳасини ишлаб чиқиш;</p> <p>2) грант маблағларини ажратишни назарда тутувчи Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш ва келишиш;</p> <p>3) Ҳукумат қарори лойиҳасини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2023 йил август</p> <p>2023 йил октябрь</p> <p>2023 йил ноябрь</p>	<p>Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги</p>		<p>учун танлов асосида 1 миллиард сўмгача бўлган грантлар ажратиш IT-парк орқали амалга оширилади.</p> <p>Бунда, грант маблағлари ижтимоий ҳаётдаги муаммоларни ҳал этиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қулайлик ва имкониятлар яратиш, шу жумладан, инсон ҳаёти ва соғлигини ҳимоя қилиш, таълим, маданият, ёшлар, хотин-қизлар, спорт, сунъий интеллект, жамоат тартибини таъминлаш учун уларнинг келгусида амалиётга жорий этилган ҳолда мустақил фаолият кўрсата олиши инобатга олиниб ажратилади.</p>
---	---	---	--	--

#### VI. “Рақамли таълим” дастурини амалга ошириш

<p>“Бир مليون дастурчи” лойиҳасининг навбатдаги босқичини амалга ошириш. Бунда:</p> <p>1) Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси ҳисобидан хорижий нуфузли таълим платформаларида онлайн ўқув курсларда таҳсил олиш имкониятини яратиш;</p> <p>2) масофавий таълим платформалари афзаллilikларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг тарғиб қилиш, ёшларни ўқитиш ҳамда лойиҳа доирасида рағбатлантириш чораларини кўриш.</p>	<p>2023–2025 йиллар</p> <p>2023–2025 йиллар</p>	<p><b>Рақамли технологиялар вазирлиги,</b> Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар</p>	<p>Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси, IT-парк маблағлари, ҳисоб- китобларга асосан</p>	<p>“Бир مليون дастурчи” лоиҳасининг навбатдаги босқичи амалга оширилади.</p>
<p>Ёшларга компьютер харидлари учун ажратиладиган маблағлар ҳисобидан микроқарз шаклида ҳамда “Ёшлар дафтари” ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги жамғармалари ҳисобидан</p>		<p><b>Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги,</b> <b>Камбағалликни қисқартириш</b></p>	<p>Давлат бюджетидан Ёшлар ишлари агентлигига</p>	<p>Кредит маблағларини ёшларнинг хоҳишига кўра пластик картасига ўтказишга руксат берилади.</p>

<p>бериладиган субсидия маблағларини ижтимоий шартнома асосида ёшлар хоҳишига кўра алоҳида очилган банк картасига (нақдлаштириш имкониятисиз) ўтказиш механизмини жорий этиш. Бунда:</p> <p>1) субсидиялар бўйича ижтимоий контрактда ўзини ўзи банд қилиш, якка тартибдаги тадбиркорлик, меҳнат шартномаси асосида ишлаш, таълим олиш, "Coursera" таълим платформасида муваффақиятли ўқишини якунлаган ва тегишли сертификатга эга ёшларга компьютер хариди учун <b>истеъмол кредитлари</b> ажратилиши амалиётини давом эттириш каби масалаларни назарда тутувчи таклифларини ишлаб чиқиш;</p> <p>2) тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаларига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш юзасидан лойиҳа ишлаб чиқиш;</p> <p>3) норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш ҳамда белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2023 йил июнь</p> <p>2023 йил июль</p>	<p><b>ва бандлик вазирлиги,</b> Марказий банк, Рақамли технологиялар вазирлиги</p>	<p>ажратилган маблағлар</p>	
<p>54. Тил билиш даражаси ҳамда <b>IT-соҳасида</b> билимлар даражасини тасдиқловчи халқаро <b>IT-сертификатларни олиш харажатларини қоплаб</b> беришнинг мавжуд тартибларига қўшимча равишда Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан инглиз тилида <b>B2</b> даражасига эга бўлган ёшларнинг халқаро <b>IT-сертификатларни олиш харажатларини тўлиқ қоплаб</b> бериш. Бунда:</p> <p>1) тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатга ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш бўйича лойиҳани ишлаб чиқиш;</p> <p>2) норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2024 йил июнь</p> <p>2024 йил август</p>	<p><b>Рақамли технологиялар вазирлиги,</b> Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги, Ёшлар ишлари агентлиги</p>	<p>Давлат бюджети маблағлари</p>	<p>Тил билиш даражаси ҳамда <b>IT-соҳасида</b> билим даражасини тасдиқловчи халқаро <b>IT-сертификатлар харажатларини қоплаб</b> беришнинг мавжуд тартибларига қўшимча равишда давлат бюджети маблағлари ҳисобидан инглиз тилида <b>B2</b> даражасига эга бўлган ёшларнинг халқаро <b>IT-сертификатларни олиш харажатлари тўлиқ қоплаб</b> берилади.</p>
<p>55. Давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг рақамлаштиришга масъул ўринбосарлари ва ходимлари учун рақамлаштириш соҳасидаги қоидалар ва қонунчилик талабларини ўз ичига олган "ҳаёт давомида таълим олиш" тамойили асосида ўқитишнинг маҳсус ахборот платформасини яратиш. Бунда:</p>		<p><b>Рақамли технологиялар вазирлиқ ва идоралар</b></p>	<p><b>Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси, ҳисоб- китобларга</b></p>	<p>Маҳсус ахборот платформаси орқали давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг рақамлаштиришга масъул ўринбосарлари ва ходимларини</p>

	1) махсус платформа яратиш бўйича техник талабларни ишлаб чиқиш; 2) махсус плафформани ишга тушириш; 3) платформани контент (видеоконтент, матнли дарслар, FAQ, форум, тестлар) билан тўлдириш чораларини кўриш.	2023 йил октябрь 2024 йил март Доимий равиша	асосан	рақамлаштириш соҳасидаги қоидалар ва қонунчилик талабларига “ҳаёт давомида таълим олиш” (Life Long Learning) тамойили асосида ўқитиш йўлга қўйилади.
56.	Битирувчиси IT-хизматларни экспорт қилувчи IT-парк резиденти бўлган компанияларга ишга жойлашган нодавлат ўқув марказларига ҳар бир битирувчи учун Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг <b>75 бараваригача</b> , ногиронлиги бўлган ёшлар учун эса <b>105 бараваригача</b> бир марталик субсидия ажратиш тизимини йўлга қўйиш. Бунда:  1) тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш; 2) норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил сентябрь 2023 йил октябрь	Рақамли технологиялар вазирлиги	–  Битирувчиси IT-хизматларни экспорт қилувчи IT-парк резиденти бўлган компанияларга ишга жойлашган нодавлат ўқув марказларига ҳар бир битирувчи учун Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан базавий ҳисоблаш миқдорининг <b>75 бараваригача</b> , ногиронлиги бўлган ёшлар учун эса <b>105 бараваригача</b> бир марталик субсидия ажратиш орқали ёшларни IT соҳасига бўлган қизиқишини ошириш ҳамда IT соҳасида экспортни рағбатлантириш имкони яратилади.
57.	Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети фаолиятини трансформация қилиш дастурини ишлаб чиқиш. Бунда:  1) Университет фаолиятини трансформация қилишни назарда тутувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш; 2) норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини вазирликлар ва идораларга келишиш учун киритиш; 3) норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2023 йил июль  2023 йил октябрь  2023 йил октябрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Тошкент ахборот технологиялари университети	–  Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети фаолиятини, жумладан қўйидагиларни назарда тутган ҳолда трансформация қилиш дастури ишлаб чиқилади: нуғузли хорижий олий таълим ташкилотларининг ахборот технологиялари соҳасидаги ўқув дастурларини жорий этиш;

					Университет филиалларини 2024–2027 йилларда босқичмабосқич мустақил олий таълим муассасалари сифатида қайта ташкил этиш; стартап лойиҳаларни битирув малакавий иш сифатида қабул қилиш; таълим ва амалиёт уйғунлиги асосида рақамли технологиялар ва ахборот тизимларининг инновацион ечимларини ишлаб чиқишига йўналтирилган ишлаб чиқариш лабораторияси фаолиятини йўлга қўйиш.
58.	<p>Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида нұфузли хорижий олий таълим ташкилотининг ахборот технологиялари соҳасидаги ўқув дастурларини жорий этиш.</p> <p>Бунда:</p> <p>нұфузли хорижий университетлар билан ҳамкорлик қилиш;</p> <p>ҳамкорлик шартномаларини (меморандум) ишлаб чиқиши ва келишувга асосан имзолаш;</p> <p>нұфузли хорижий университетнинг IT-ўқув дастурларини хорижий давлатнинг стандартларига мувофиқ мазкур IT-ўқув дастурларига қўйилган талаб ва қоидалар асосида жорий қилиш;</p> <p>талабаларни ўқитишинги инглиз тилида, Ўзбекистон Республикаси Давлат таълим стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда, хорижий олий таълим ташкилотининг ўқув режалари ва дастурларига мувофиқ олиб бориш.</p>	2023/2024 ўқув йили давомида	Рақамли технологиялар вазирлиги	Университет маблағлари ва бошқа манбалар	Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетида хорижий олий таълим ташкилоти билан ҳамкорликда ўқув дастурлари жорий этилади.
59.	Сурхондарё вилоятида Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг филиалини ташкил этиш бўйича		Сурхондарё вилояти ҳокимлиги, Рақамли	–	Сурхондарё вилоятида Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот

	таклифлар киритиш. Бунда: 1) филиал ташкил этиш бўйича ишчи гурӯҳ тузган ҳолда талабни ўрганиш; 2) Тошкент ахборот технологиялари университетининг Сурхондарё филиалини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2023 йил октябрь 2023 йил декабрь	технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги		технологиялари университетининг филиалини ташкил этиш бўйича таҳлил амалга оширилади ва асосланган таклифлар ишлаб чиқилади.
60.	Хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш борасидаги кўникмаларини ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни амалга ошириш.	2023–2025 йиллар давомида	<b>Рақамли технологиялар вазирлиги,</b> республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, Тошкент шаҳридаги Инха университети, Давлат бошқаруви академияси	Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси ва бошқа манбалар	Хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг рақамли технологиялардан самарали фойдаланиш борасидаги амалий кўникмалари оширилади.
61.	Иқтидорли ёшларни саралаш, қўшимча ўқитиш ҳамда халқаро меҳнат бозорига тайёрлаш “IT Skills” тизимини жорий этиш. Бунда: 1) IT соҳасига қизиқувчи ёшлар базасини шакллантириш механизмини яратиш; 2) ёшларнинг билим ва кўникмаларини аниқлашга қаратилган баҳолаш механизмини ишлаб чиқиш; 3) ёшларни уларнинг билим ва кўникмаларида аниқланган бўшлиқларни ривожлантириш мақсадида ўқитишни назарда тутиш.	2024–2025 йиллар	<b>Рақамли технологиялар вазирлиги,</b> Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, <b>Ёшлар ишлари агентлиги,</b> Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги	Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси, ҳисоб- китобларга асосан	Мамлакатда малакали ИТ кадрларга бўлган эҳтиёжни қондириш мақсадида ёш кадрларни тайёрлаш ва ИТ соҳасида малака ва кўникмаларни баҳолаш тизими жорий қилинади.

62. Тошкент молия институти ва Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари учун универсал банк картасини яратиш мақсадида “Талаба картаси” тажриба синов лойиҳасини амалға ошириш.	2024 йил август	Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги, АТ “Алоқабанк”, Тошкент ахборот технологиялари университети Тошкент молия институти	Ижрочилар маблағлари	Тошкент молия институти ва Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети талабалари учун универсал банк картаси жорий этилади.
63. Ўзбекистонда қизларни рақамли технологиялар соҳасига янада кенгроқ жалб этиш ва уларнинг IT-кўникмаларини ривожлантириш.	2023–2025 йиллар	Рақамли технологиялар вазирлиги	Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси ва бошқа манбалар	Лойиҳа 14 ва ундан катта ёшдаги қизларни қамраб олади. Лойиҳа доирасида иштирокчи қизларнинг IT соҳасидаги билим ва кўникмалари шакллантирилади.
64. “Foreign language” телеканалида IT-соҳасига ўқитиш бўйича ўқув курслари ва қизиқарли контент жойлаштиришни йўлга қўйиш. Бунда:  1) “Foreign language” телеканалида рақамли технологиялардан фойдаланган ҳолда хорижий тиллар ва дастурлашни ёшларга содда ва креатив кўринишда етказиб, уларнинг дунёқарашини кенгайтирадиган ва креатив фикрлашга ундейдиган мазмунли ва фойдали контент шакллантириш бўйича медиадастур ишлаб чиқиши;  2) теледастурларни тайёрлаш ва эфирга бериш;  3) Рақамли технологиялар вазирлигига “Foreign language” телеканали учун хорижий тилларда (субтитр билан) замонавий контент яратиш ва уларни эфирга узатиш учун тақдим этиш.	2024–2025 йиллар	Рақамли технологиялар вазирлиги, МТРК	Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси ва қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар	Хорижий тилларга ўргатиш учун “Foreign language” телеканалида IT-йўналишда ўқитиш бўйича ўқув курслари ва қизиқарли контент жойлаштириш йўлга қўйилади.

<p>65. Андикон ахборот технологиялари техникуми базасида Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Андикон филиалини ёки хорижий ҳамкорлар билан олий таълим муассасасини ташкил этиш.</p> <p>Бунда:</p> <p>ташкил этиладиган олий таълим ташкилотининг биносини таъмирлаш, моддий техника инфратузилмасини шакллантириш;</p> <p>институтни ўқув-услубий қўлланмалар билан таъминлаш;</p> <p>2025/2026 ўқув йилидан бошлаб ташкил этиладиган институтга талабаларни қабул қилиш.</p>	<p>2024 йил август</p> <p>2025 йил август</p> <p>2025/2026 ўқув йили</p>	<p>Андижон вилоят ҳокимлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги</p>	<p>Ижрочилар маблағлари</p>	<p>Андижон ахборот технологиялари техникуми базасида Мұхаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Андикон филиали ёки хорижий ҳамкорлар билан олий таълим муассасаси ташкил этилади.</p>
<p>66. Ахборот технологиялари соҳасида ўзини-ўзи банд қилиш орқали даромад топишга ўргатадиган, дастурлаш ва рақамли маҳсулот яратишида фойдаланиладиган дарслик ва адабиётлар яратиш, уларни таржима қилиш ва мослаштириш ҳамда фойдали (рақамли) контент яратиш.</p>	<p>2023-2025 йиллар</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги, Тошкент шаҳридаги Инҳа университети</p>	<p>Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси</p>	<p>Мамлакатнинг IT-хизматлар экспорти потенциалини ошириш ва ахборот технологияларини кенг тарғиб қилиш ҳамда ўрганиш учун тегишли ўқув қўлланма дарсликлар яратилади ва мослаштирилади.</p>
<p>67. Ахборот технологиялари йўналиши бўйича ўтказиладиган халқаро фан олимпиадалари ва мусобақаларга тайёргарлик кўриш ишларини ташкил этиш, рақамли технологиялар ва бошқа соҳаларда ёшларга яратилган имкониятларни етказиш механизмини яратиш. Бунда:</p> <p>1) иқтидорли ёшларни саралаш, маҳаллий тренерлар ва хорижий эксперктарни жалб қилган ҳолда ўқув машғулотларини ташкил қилиш;</p> <p>2) ахборот технологиялари йўналиши бўйича олимпиада ва мусобақаларга мустақил тайёрланиш учун иқтидорли ўқувчилар ва ўқитувчи-тренерларга мўлжалланган ўқув қўлланмалари, рақамли контент ва бошқа қўшимча материаллар ишлаб чиқиш ва уларни эрkin фойдаланиш учун очиқ электрон ресурсларга жойлаштириш;</p>	<p>2024-2025 йиллар</p>	<p>Рақамли технологиялар вазирлиги, Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги</p>	<p>Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси ва бошқа манбалар</p>	<p>Ахборот технологиялари йўналиши бўйича ўтказиладиган халқаро фан олимпиадалари ва мусобақаларга ёшлар мақсадли тайёрланади, шунингдек, ёшларни IT-мусобақаларга тайёрланишлари учун зарур ўқув материаллар ишлаб чиқилиб, амалиётда фойдаланиш имконияти яратилади.</p>

	3) рақамли технологиялар ва бошқа соҳаларда ёшларга яратилган имкониятларни етказиш мақсадида рақамли контент яратиш чораларини кўриш.				
68.	<p>Захира (квота) иш ўринларига ижтимоий муҳофазага мұхтож шахсларни ишга жойлаштириш бўйича кўрсатиладиган хизматларни мувофиқлаштириш. Бунда:</p> <p>1) "ЯММТ" ИДАҚда туман, шаҳар ҳокимларининг қарори билан тасдиқланган, иш ўринларини захиралаган корхона ва ташкилотларнинг манзилли рўйхатини шакллантириш.</p> <p>2) "Бандлик хизмати" АТда ЯММТ орқали иш ўринларини захиралаган корхоналар ҳамда ушбу иш ўринларига ишга жойлаштирилган фуқаролар тўғрисида ҳисоботни юритиш.</p> <p>3) ҳисоботларга асосан тоифалар бўйича ишга жойлаштирилган фуқаролар тўғрисидаги маълумотларни туман, шаҳар ва корхоналар кесимида доимий таҳлил қилиш ҳамда аниқланган камчиликлар бўйича ҳудудий бошқармаларга тегишли кўрсатмалар бериб бориш.</p>	<p>2023 йил сентябрь</p> <p>2023 йил ноябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p>	<p>Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги</p>	<p>Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ва бюджетдан ташқари маблағлар</p>	<p>Захира (квота) иш ўринларига ижтимоий муҳофазага мұхтож шахсларни ишга жойлаштиришнинг шафоғ тизими йўлга қўйилади.</p>
69.	<p>"Бандлик хизмати" АТда фуқаролар томонидан имзоланадиган ҳужжатларни расмийлаштириш ва хизматларни имзолаш учун электрон имзоларни киритиш қурилмаларидан фойдаланишни жорий қилиш. Бунда:</p> <p>1) электрон имзолаш қурилмасини тизимга мослаш ва ўрнатиш ҳамда синов тариқасида ишга тушириш;</p> <p>2) туман, шаҳар меҳнат органларини электрон имзолаш қурилмалари билан таъминлаш;</p> <p>3) электрон имзолаш қурилмасини тўлиқ ишга тушириш.</p>	<p>2023 йил сентябрь</p> <p>2023 йил октябрь</p> <p>2023 йил ноябрь</p>	<p>Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги</p>	<p>Ҳисоб китобларга асосан</p>	<p>"Бандлик хизмати" АТда фуқаролар томонидан имзоланадиган ҳужжатларни расмийлаштириш ва хизматлардан фойдаланиш қулайлиги оширилади.</p>
70.	Ҳар бир маҳалла кесимида тадбиркорликнинг ривожланганлиги, камбағаллик, ишсизлик даражасидан келиб чиқиб "Маҳаллалар рейтинги"ни ишлаб чиқиш ва Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг сайтида эълон қилиб бориш.	2023 йил август	Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги	-	Ҳар бир маҳалла кесимида тадбиркорликнинг ривожланганлиги, камбағаллик, ишсизлик даражасидан келиб чиқиб "Маҳаллалар рейтинги" шакллантирилиши натижасида

	Шунингдек, Вазирликнинг ҳукумат портали негизида ташкил этилиб, янгиланган веб-сайтида “Маҳаллалар рейтинги” модулини ишлаб чиқиши.				тегишли йўналишларида чоратадбирлар ишлаб чиқилади.
--	---	--	--	--	---

**VII. Ахборот технологияларини жорий этиш ва кўрсатилаётган Рақамли хизматлар сифати устидан самарали  
“Рақамли назорат”ни йўлга қўйиш**

71.	“Ўзкомназорат” инспекцияси ходимларининг белгиланган умумий чекланган сони доирасида юридик мақомга эга бўлмаган “Рақамли назорат” вазиятларни комплекс назорат қилиш марказини (мустакил ташкилий-ҳуқуқий мақомга эга бўлмаган) ташкил қилиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2024 йил октябрь	“Ўзкомназорат” инспекцияси	Ижрочилар маблағлари	Давлат идоралари ва ташкилотлари томонидан ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишда ҳаққоний рақамлар, маълумотлар ва кўрсаткичларга эришиш ҳамда телекоммуникация тармоқларининг ҳолати, оператор ва провайдерлар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати устидан реал вақт режимида тизимли мониторинг олиб бориш имконини берувчи юридик мақомга эга бўлмаган “Рақамли назорат” вазиятларни комплекс назорат қилиш марказини ташкил қилиш бўйича таклифлар киритилади.
72.	Ахборот тизимлари ва ресурсларини интеграция қилиш орқали “IT-monitoring” тизимини ишга тушириш. Бунда: 1) интеграция қилиниши лозим бўлган ахборот тизимлари ва маълумотлар рўйхатини шакллантириш; 2) тизимларни интеграция қилиш бўйича технологик йўриқнома ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; 3) модулни синов тариқасида амалиётга жорий этиш.	2024 йил ноябрь 2024 йил декабрь 2025 йил август	“Ўзкомназорат” инспекцияси, манфаатдор вазирлик ва идоралар	Ижрочилар маблағлари	Ахборот тизимлари ва ресурсларини интеграция қилиш орқали “IT-monitoring” тизими ишга туширилади.
73.	Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари ҳамда почта хизматларини кўрсатиш соҳасида кўрсатилаётган хизматлар сифатини таъминлаш бўйича тартибларни такомиллаштириш ҳамда рақамли хизмат ва сервислар техник фаолияти сифати ва барқарор	2023 йил сентябрь	Рақамли технологиялар вазирлиги, “Ўзкомназорат” инспекцияси	-	Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари ҳамда почта хизматларини кўрсатиш соҳасида кўрсатилаётган хизматлар

	ишлиши ҳамда ишонч телефонлари (идоравий алоқа марказлари) ва порталлар фаолияти устидан назорат ўрнатиш бўйича таклиф киритиш.				сифатини таъминлаш бўйича тартиблар такомиллаштирилади.
74.	<p>Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги рақамли хизматлар ва сервислардан қониқиши даражасининг инсон омилисиз автоматлаштирилган ҳолда рейтингини шакллантириш ҳамда ҳар ярим йилликда эълон қилиб бориш.</p> <p>Бунда:</p> <p>1) хизмат ва сервислардан қониқиши даражасини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш;</p> <p>2) аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг рақамли хизматлар ва сервислардан қониқиши даражасининг инсон омилисиз автоматик режимдаги рейтингини шакллантириш тартибини ишлаб чиқиш;</p> <p>3) инсон омилисиз автоматлаштирилган ҳолда рейтингни шакллантириш ахборот тизимини ишлаб чиқиш ва ишга тушириш.</p>	2024 йил январь ойидан бошлаб доимий	Рақамли технологиялар вазирлиги, “Ўзкомназорат” инспекцияси	Ижрочилар маблағлари	Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг рақамли хизматлар ва сервислардан қониқиши даражасининг инсон омилисиз автоматик режимдаги рейтинги шакллантирилади ҳамда ҳар ярим йилда эълон қилиб борилади.
75.	Жамоат, саноат, турар-жой, маъмурӣ бинолар ва иншоотларни (кейинги ўринларда - объектлар) лойиҳалаш, қуриш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш жараёнида муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектлари, шу жумладан кабель канализацияси, паст токли кабель шахталари, абонент почта жавонлари, телекоммуникация қурилмаларини ўрнатиш учун майдонлар ва инфратузилмалар билан таъминлаш тартибини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2023 йил август	Рақамли технологиялар вазирлиги, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	-	Жамоат, саноат, турар-жой, маъмурӣ бинолар ва иншоотларни лойиҳалаш қуриш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш жараёнида муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси объектлари, шу жумладан кабель канализацияси, паст токли кабель шахталари, абонент почта жавонлари, телекоммуникация қурилмаларини ўрнатиш учун майдонлар ва инфратузилмалар билан таъминланиш тартиби такомиллаштирилади.
76.	Почта алоқаси ва курьерлик хизматларини тақдим этиш фаолиятини хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари қаторига киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш. Бунда:		Рақамли технологиялар вазирлиги, Адлия вазирлиги,	-	Почта алоқаси хизматлари кўрсатиш қоидалари, шу жумладан инсонларнинг ҳаёти, соғлиғи, атроф-муҳит ҳамда

	<p><b>Бунда:</b></p> <p>1) почта алоқаси ва курьерлик хизматларини кўрсатувчи корхоналар томонидан ваколатли органни хабардор қилиш бўйича Қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш;</p> <p>2) қонун лойиҳасини тегишли вазирлик ва идоралар билан келиши;</p> <p>3) қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	<p>2023 йил октябрь</p> <p>2023 йил декабрь</p> <p>2024 йил март</p>	<p>Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси</p>		<p>почта алоқаси сирини ҳимоя қилиш, почта ва курьерлик жўнатмаларининг бут сақланиши бўйича қонунчилик талабларини таъминлаш мақсадида почта алоқаси ва курьерлик хизматларини тақдим этиш фаолияти хабардор қилиш тартибида амалга ошириладиган фаолият турлари қаторига киритилади.</p>
77.	“Ўзкомназорат” инспекциясининг кўриб чиқилиши мажбурий бўлган тақдимномалари кўриб чиқилмаганилиги ҳолати юзасидан таъсирчан жавобгарлик чораларини белгилаш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2023 йил октябрь	Рақамли технологиялар вазирлиги	-	Рақамли иқтисодиёт ва рақамли ҳукумат соҳасини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларида, шу жумладан мавжуд ахборот тизимлари ва дастурий-аппарат комплекслари ҳамда рақамли хизматлардан фойдаланиш (ёки самарасиз қўллаш) борасида аниқланган қонун бузилишлари, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш учун таъсирчан назорат ўрнатилади.
78.	Рақамлаштириш йўналишида фаолиятга кўмаклашиш ҳамда мавжуд муаммолар ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган тавсияларни шакллантириш мақсадида республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари, давлат унитар корхоналари ва ўюшмаларини мустақил “IT-аудит”дан ўтказиш тартибини йўлга қўйиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш.	2024 йил март	Рақамли технологиялар вазирлиги, “Ўзкомназорат” инспекцияси	-	Рақамлаштириш йўналишида фаолиятга кўмаклашиш ҳамда мавжуд муаммолар ва камчиликларни бартараф этишга қаратилган тавсияларни шакллантириш мақсадида давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларини мустақил “IT-аудит”дан ўтказиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

79.	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида жорий этилган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларнинг фойдаланиш самарадорлиги устидан тизимили мониторингни йўлга қўйиш ва натижаси бўйича Вазирлар Маҳкамасига батафсил ахборот киритиш.	Ҳар ярим йилликда	Рақамли технологиялар вазирлиги, “Ўзкомназорат” инспекцияси	-	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларида ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларини жорий этиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги оширилади.
-----	--	-------------------	---	---	--

### VIII. Космик фаолиятни янада такомиллаштириш

80.	Ҳудудларнинг рақамли хариталарини яратиш учун сарфланадиган молиявий маблағларни оптималлаштириш мақсадида давлат космик мониторингини ўтказиш доирасида олинадиган космик суратларни марказлашган ҳолда тегишлилиги бўйича вазирлик ва идораларга тақдим этиш. Бунда:  1) вазирлик ва идораларнинг давлат космик мониторинги доирасида олинган космик суратларга бўлган эҳтиёжини ўрганиш;  2) ўрганишлар натижасида эҳтиёжлар рўйхатини шакллантириш;  3) эҳтиёжлар рўйхатига мувофиқ космик суратлар билан таъминлаб бориш.	Ҳар йили июль ойига қадар  Ҳар йили сентябрь ойига қадар  2024 йилдан бошлаб ҳар йили декабрь ойида	Рақамли технологиялар вазирлиги, “Ўзбеккосмос” агентлиги	Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар доирасида	Ҳудудларнинг рақамли хариталарини яратиш учун сарфланадиган молиявий маблағларни оптималлаштириш мақсадида давлат космик мониторингини ўтказиш доирасида олинадиган космик суратлар марказлашган ҳолда тегишлилиги бўйича вазирлик ва идораларга тақдим этилади.
81.	“ArcGIS” геоахборот тизимидан фойдаланиш бўйича мутахассисларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ишларини ташкил этиш.	шартнома асосида	Рақамли технологиялар вазирлиги, “Ўзбеккосмос” агентлиги	Вазирлик ва идоралар, қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар, ҳисоб-китобларга асосан	“Давлат учун ягона лицензия” тамоилии асосида геоахборот тизимлари фаолиятини самарали йўлга қўйиш ҳамда мазкур тизимларда ишлаш учун зарур билим ва кўникмаларга эга бўлган мутахассисларни тайёрлаш ишлари амалга оширилади.

82.	<p>Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси ходимлари кунини белгилаш тўғрисида”ги Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиб, ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>	2024 йил февраль	Рақамли технологиилар вазирлиги	-	<p>Сўнгги йилларда республиканинг ривожланишида мұхим аҳамиятга эга бўлган ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг ходимларини рағбатлантириш орқали улар фаолиятининг самарадорлиги оширилади.</p>
-----	--	------------------	---------------------------------	---	--

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 24 майдаги ПФ-76-сон Фармонига  
6-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига  
киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6065-сон Фармонида:

а) 6-банд қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Бунда:

Ички ишлар вазирлиги 2024 йил 1 январдан ID-карталарни олиш бўйича анкеталарни тўлдиришда ICAO ҳужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда инглиз тилида фуқаронинг фамилия ва исмини кўрсатилишини;

Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлиги 2024 йил 1 январга қадар тақдим этилган барча ID-карталар бўйича жисмоний шахсларнинг маълумотлар базасида фуқаронинг фамилия ва исмини инглиз тилидаги маълумотлари билан тўлдирилишини таъминлансан

б) 1-илованинг 8-банди қўйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“инглиз тилида фамилия ва исми”;

учинчи – саккизинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи – тўққизинчи хатбошилар деб ҳисблансин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон Фармонида:

а) 3-банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Бунда, Рақамли технологиялар вазирлиги Мувофиқлаштириш комиссияси ишчи органи вазифасини амалга оширади”;

б) 22-илованинг матни қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

**“Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича  
мувофиқлаштириш комиссияси**

**ТАРКИБИ**

- |                  |  |
|------------------|--|
| 1. А.Н. Арипов   | – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири,<br><i>Комиссия раиси</i>       |
| 2. Ш.Х. Шерматов | – рақамли технологиялар вазири, <i>Комиссия<br/>раисининг ўринбосари</i> |
| 3. Ш.Д. Кудбиев  | – иқтисодиёт ва молия вазири   |
| 4. А.Д. Ташкулов | – адлия вазири   |

- |                       |  |
|-----------------------|--|
| 5. Ҳ.Ў. Умарова       | — мактабгача ва мактаб таълими вазири  |
| 6. И.Ю. Абдураҳмонов  | — олий таълим, фан ва инновациялар вазири  |
| 7. А.Ш. Иноятов       | — соғлиқни сақлаш вазири   |
| 8. Ж.Т. Мирзамаҳмудов | — энергетика вазири  |
| 9. А.Б. Воитов        | — қишлоқ хўжалиги вазири   |
| 10. Ш.Р. Хамраев      | — сув хўжалиги вазири  |
| 11. Б.А. Мусаев       | — камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги вазири  |
| 12. Б.И. Закиров      | — қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазири   |
| 13. И.Р. Махкамов     | — транспорт вазири   |
| 14. Б.Ф. Исламов      | — тоғ-кон саноати ва геология вазири   |
| 15. А.А. Абдуҳакимов  | — табият ресурслари вазири   |
| 16. А.И. Икрамов      | — ёшлар сиёсати ва спорт вазири  |
| 17. О.А. Назарбеков   | — маданият ва туризм вазири  |
| 18. П.Р. Бобожонов    | — ички ишлар вазири  |
| 19. М.Б. Нурмуратов   | — Марказий банк бошқаруви раиси  |
| 20. А.Ж. Ортиқов      | — Давлат активларини бошқариш агентлиги директори  |
| 21. А.Д. Хаджаев      | — Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси  |
| 22. О.А. Пекось       | — рақамли технологиялар вазирининг биринчи ўринбосари  |
| 23. А.А. Абдуллаев    | — Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича инспекцияси бошлиғи           |
| 24. Ш.М. Кадиров      | — Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги директори                                      |
| 25. А.Х. Мухитдинов   | — “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасаси директори, комиссия котиби |

**Изоҳ.** Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтганда, унинг таркибига ушбу лавозимга янги тайинланган ёки зиммасига тегишли вазифаларни бажариш юклangan шахслар киритилади.”

**3.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 мартағи “Аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларидан фойдаланишда янада қулай шароитлар яратиш, бу борада бюрократик тўсиқларни қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6191-сон Фармонига 1-иловада 5 ва 6 позициялари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

T/р	Маълумот ва ҳужжатлар номи	Маълумот ва ҳужжатларни бериш учун масъул ваколатли органлар
.	...	...
5.	“Манзил-маълумот”, шунингдек, доимий яшаш ва вақтинча турган жойи бўйича рўйхатдан ўтган шахслар тўғрисидаги маълумотлар (ЖШШИР, кадастр рақами орқали)	Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлиги
6.	Жисмоний шахсларга тегишли барча турдаги мавжуд ҳужжатлар (биометрик паспорт, ID-карта, хорижга чиқиш паспорти, эски намунадаги паспорт) тўғрисидаги маълумотлар	Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлиги

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 апрелдаги “Ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва бандлигига кўмаклашиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда бўш вақтини мазмунли ташкил этишга оид қўшимча чора тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6208-сон Фармонинг З-банди “а”кичик бандининг иккинчи хатбошиси “25 бараваридан кўп бўлмаган миқдорда истеъмол кредитлари” ва “Бунда, истеъмол кредитлари” сўзларидан кейин “ва микроқарзлар” сўзлари билан тўлдирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 24 июлдаги “Давлат хизматлари кўrsatiш инфратузилмасини такомиллаштириш ва аҳолининг давлат хизматларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–6269-сон Фармонига З-илованинг 9-позицияси қўйидаги таҳрирда байён этилсин:

“

T/р	Маълумот ва ҳужжатлар номи	Маълумотлар базасини рақамлаштириш ҳамда уларни беришга масъул органлар
.	...	...
9.	Шахс тамомлаган мактабгача, бошланғич ва ўрта таълим (мактаб ва бошқа) муассасасини тутгатганлиги ҳақида маълумотлар	Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги
.	...	...

”

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 18 майдаги “Рақамли иқтисодиёт ва “Электрон ҳукумат” тизими инфратузилмаларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–4321-сон қарорида З-банднинг “б” кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“б) “Электрон ҳукумат” ва рақамли иқтисодиёт тизими доирасидаги лойиҳаларни амалга ошириш доирасида:

рақамли ҳукумат тизимига ўтиш ва уни ривожлантириш ишларини ўзаро мувофиқлаштириш – “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини амалга ошириш бўйича мувофиқлаштириш комиссияси томонидан;

рақамли ҳукумат соҳасида ягона давлат сиёсатини юритиш, рақамли ҳукумат лойиҳаларини амалга оширилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш – Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан;

ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва электрон ресурсларини яратишга доир лойиҳаларни амалга ошириш ва амалиётга жорий этиш ҳамда уларнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш – вазирлик ва идоралар, хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади;”.

**7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 майдаги “Электрон ҳукумат” тизими доирасида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш сифатини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4328-сон қарори 3-бандида:**

а) қўйидаги мазмундаги бешинчи ва олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“loyiҳalarni amalga oshiriш natijasida ishlab chiqilgan axborot tizimlari va maъlumotlar basalarinini “Raқamli ҳukumat”ning axborot tizimlari va resurslari ягона реестрида rўйhatdan ўtkaziш ва amaliётga жорий этишга уларнинг техник топшириқ ва ахборот xavfsizligi talablariiga muvofiқligi юзасидан Raқamli технологиялар вазirliги ҳамda “Киберхавfsizlik markazi” ДУКнинг ijobiy xulosalari oлинганидан сўнг ruhsat beriladi;

ижобий xulosaga эга бўлмаган ахборот тизимлари ва маълумотлар basalarinini fойдаланишга қабул қилиш, iшга тушириш ҳамда “Raқamli ҳukumat” доирасидаги tizimlar ва servislар bilan integratsiya қилишга йўл қўйилмайди”;

б) бешинчи-олтинчи хатбошилар тегишинча ettinchi va sakvizinchi хатбошилар деб ҳисоблансин.

**8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 мартағи “Тошкент шаҳрида рақамли технологияларни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4642-сон қарорининг 5-банди иккинчи хатбошидан “бир йиллик” сўzlari чиқariб ташлансин.**

**9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 июлдаги “Бўш турган объектлардан самарали fойдаланишни ташкил этиш ва ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4771-сон қарорининг 5-банди қўйидаги мазмундаги хатбоши bilan tўлдирилсин:**

“Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар йили давлат mulkinini ijaraiga beringda Radio, уяли aloқa ва пейджер aloқasi (inshootlarни ҳисобга olgan ҳolda ҳudud doirasida) faoliyati bўyicha stavkalar ҳamda қўllaniladigan oshiruvchi koэffisiентлар miқdori tasdiqlaniishiда bir йилга 1 кв.m. учун ijara tўlovi

таянч ставкасининг ўтган йилга нисбатан ўсиш суръати бошқа фаолият турлари бўйича ўртacha ўсиш суръатлари даражасида белгиланади”.

**10.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сон қарорига 2-илова қўйидаги мазмундаги 7-позиция билан тўлдирилсин:

“

T/р	Товар номи	ТИФ ТН коди
7.	овоз, тасвир ёки бошқа маълумотларни узатиш ёки қабул қилиш учун асбоблар, шу жумладан симли ёки симсиз тармоқда (масалан, локал ва глобал алоқа тармоқда) алоқа учун аппаратлар, бошқалар:	
	базавий станциялар:	8517 61 000
	рақамли симли алоқа тизимлари учун	8517 61 000 1
	2,2-10 ГГс ташувчи частоталар диапазонида ишлаш имкониятига эга симсиз алоқа тармоқлари учун	8517 61 000 2
	бошқалар (базавий станциялар билан боғлиқ бошқа товарлар)	8517 61 000 8
	фақат ташувчининг тўлқин узунлиги 1270 — 1610 нм диапазонида ишлайдиган оптик толали алоқа тизимлари учун ускуналар	8517 62 000 2
	симлар изоляция қилинган (шу жумладан эмалланган ёки анодланган), кабеллар (шу жумладан, коаксиал кабеллар) ва бошқа изоляцияланган электр ўтказгичлар, улагичлари бўлган ёки уланмаган; электр ўтказгичлари ёки улагичлари билан йиғилган ёки йиғилмаган алоҳида қопламали толалардан иборат оптик толали кабеллар:	
	телекоммуникация соҳасида қўлланиладиган	8544 42 100 0
	оптик толали кабеллар	8544 70 000 0

”.

**11.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 16 июндаги “Аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-283-сон қарорининг 13-бандидаги “85 миллиард” сўzlари “25,5 миллиард” сўzlари билан алмаштирилсин.

**12.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 августдаги “Замонавий билим ва касб-ҳунар эгаллаш имкониятларини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-350-сон қарорида:

а) 4-бандда:

биринчи ва учинчи хатбошиларда “истеъмол кредитлари” сўzlаридан кейин “ва микроқарзлар” сўzlари билан тўлдирилсин;

қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“истеъмол кредитлари компьютер сотаётган тадбиркорлик субъекти ҳисобварағига ўтказилади;

микроқарзлар ёшларнинг аризаларига кўра уларнинг банк карталарига нақдлаштириш имкониятини чеклаган ҳолда ўтказилади”;

б) 7-банднинг “б” кичик банди ҳамда 8-бандида “истеъмол кредитлари” сўzlаридан кейин “ва микроқарзлар” сўzlари билан тўлдирилсин.

**13.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 августдаги “2022-2023 йилларда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-357-сон қарорида:

а) 8-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. 2022 йил 1 октябрдан бошлаб ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида IT-таълим хизматларини кўрсатиш, дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқиш ҳамда экспортга йўналтириш бўйича стартап лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги ҳузуридаги Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳисобидан Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технологик парки томонидан ўтказиладиган танлов асосида 1 миллиард сўмгacha бўлган грантлар ажратиш тартиби жорий қилинсин”;

б) 18-банднинг иккинчи хатбошисидаги “2023 йил 1 июлга қадар” ва “10 фоизи” сўzlари тегишинча “2023 йил 1 сентябрдан бошлаб” ва “2 фоизи” сўzlари билан алмаштирилсин;

в) 19-банднинг “б” кичик бандида:

биринчи хатбошисидаги “ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Ш. Шерматов” сўzlари “Рақамли технологиилар вазирлиги” сўzlари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошисидаги “Бош вазирига” сўzlари “Вазирлар Маҳкамасига” сўzlари билан алмаштирилсин;

г) 1-илованинг 66-позицияси “Муддати” устунидаги “2023 йил июль” сўzlари “2023 йил сентябрь” сўzlари билан алмаштирилсин;

д) 2-илованинг 46-позицияси “Масъул ижрочилар” устунидан “Хавфсиз шаҳар” маркази” сўzlари чиқариб ташлансин;

е) 3-илованинг 23-позицияси “Муддати” устунидаги “2023 йил октябрь”, “2023 йил ноябрь” ва “2023 йил декабрь” сўzlари тегишинча “2023 йил декабрь”, “2024 йил август” ва “2025 йил июль” сўzlари билан алмаштирилсин;

ж) 8-илованинг 6-позицияси “Муддати” устунидаги “2023 йил май” сўzlари “2023 йил ноябрь” сўzlари билан алмаштирилсин.

**14.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 23 ноябрдаги “Космик тармоқни янада ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-429-сон қарори 6-банди қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбеккосмос” агентлигига унга юклатилган қўшимча вазифаларни инобатга олган ҳолда унинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва ходимларининг меҳнатини қўшимча моддий рафбатлантириш учун Рақамли технологииларни ривожлантириш жамғармасидан қўшимча маблағлар ажратилиши мумкин”.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 24 майдаги ПФ-76-сон Фармонига  
7-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси  
Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган  
айрим ҳужжатлари  
РЎЙХАТИ**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисида”ги ПФ-5806-сон Фармонининг 2 ва 4-бандлари.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 февралдаги “Ўзбекистон Республикасида космик тадқиқотлар ва технологияларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ф-5209-сон фармойиши.

**3.** Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 781-сон қарори 1-бандининг иккинчи хатбоиси, 2 ва 8-бандлари.

**4.** Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикасида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларни рўйхатга олиш тартибини соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 593-сон қарорига 4-илованинг 93-банди.

**5.** Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 12 августдаги ““Эл-юрт умиди” жамғармаси фаолиятига ҳамда таълимга оид қонунчилик такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида”ги 511-сон қарорига 1-илованинг 11-банди.

**6.** Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 30 ноябрдаги “2022–2026 йилларда Ўзбекистон Республикасининг космик тармоғини ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 688-сон қарорининг 4-банди ва 3-иловаси.

